

ТОНГ ЙУЛАДУЗИ

О'ЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛІЙ КІМДЕРДАЛАСЫ
INV. №

Она юртинг- олтин бешигинг

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 48-49 (6888-6889)
1998 йил 23 июнь, сешанба

Сотувда эркин
нархда



ҚИШЛОҚДАГИ УКАМГА МАКТУБ

Тонг саҳарда уйқу элитса хам, хозир онам келиб барниб уйғотишни билиб сенин кўзларини очмоққа бошлаган укам... Тушларидан мени кўриб, ажабтовур туйфуни қалбасида тўйиб, жовдира-ётган укам... Тошкент деган шахри азимда опаси борлигидан севиниб, таътилни шу шахарда ўтказишни мўлжаллаб, онамга муғомбирларча эркалиқ қилаётган подачи укам!

Молингни овози ширин хаёлларингни бузиб юбордими? Нега кўзларингни кат-

та-катта очяпсан. Тунда кўрган тушингни ўйлаипсанми? Тушларингда мени кўрдингми? Нега кўзларинг пирпирайди. Ха, тушиндим... «Мактабда яхши ўқимасанг, шаҳарга олиб кетмайман» деганим эсингга тушдими?

Ахир сен ўқишинг, кўп ўрганишинг керак! Биласман сенга ҳам қийин. Мол боқасан, ўт юласан, қовунтарвуз экилаётганда минг букилиб уруғ ташлайсан, отамни ёнида кетмон кўтариб юрасан. Мактабга бора-

сан. Битта ўқитувчинг дарс-

ўтса, иккинчиси албатта касал бўлади. Чет тилини ўргатадиган ўқитувчинг фарзанд кўриб қолади-ю, чет-тилидарси футбол майдонида тўп тениш билан алиширилади. Кейин онам «Бу шароитда, сен айтган одам бўлолмайди, бор билими билан ҳам мактабнинг остонасидан у ёққа ўтолмайди» дейди. Рост. Аслиям шундай.

Биласанми, бу Ватан келажагини ойдин қилишинг учун аввал ўз келажагингни ёруғ қилмоғинг керак. Бунинг учун факат ўқимоқ,

изламоқ керак. Ёлғиз илмгина одами бахтли килади, баланд ва бой қилади. Менинг ақллигина укажоним! Сен буни отам айтиб берган эртаклардан ҳам биласанку, бироқ ҳаёт отам айтган эртаклардан бошқачароқ.

Яна бир гапим бор эди, Сен қушларга, дарахтларга озор берма. Улар бизнинг дўстларимиз, сенинг дўстларинг. Сен ҳеч нарсага озор берма – озор топмайсан. Мен биламан, ишонаман, сенинг Ватан отлиғ озод юракчанг-

даги оқ қушлар – Ўзбекистон деб аталган. Озод юртимизга гўзал ва оппоқ тонглар хада этиб учиб юрибди улар! Улар – тинчлик, ахиллик ва болалик рамзлари-дир.

Сен эса ёруғ кунларни қалбингга жо қилиб, мангу муҳрлаш учун факат ўки, илм изла!

Сени янги манзиллар, муборак кунлар кутади. Вазифангни унутмасанг бўлгани, укажон!

ГУЛ ЖАМОЛ.

ЮРТБОШИМИЗНИНГ ВИЛОЯТЛАРГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қишлоқ хўжалигидаги ислоҳатларнинг бориши, пахта ва дон етиштириш, фўза парвариши ва ғалла ўрим йигими қандай бораётгани, соҳага таалуқли янги конунларнинг жойларда қай даражада татбиқ этилаётгани билан танишиш мақсадида 18-19 июнь кунлари Андикон ва Фарғона вилоятларида бўлди. Учрашувларда йўлбошчимиз эл-юртучун, Ватан мафаати учун астойдил ишлаш лозимлигини яна бир бор таъкидлadi. Шундагина мустакилликни иктисолий жихатдан мустахкамлашга, ҳалкнинг турмуш даражасини

оширишга эришиш мумкин, - деди давлатимиз раҳбари.

ҚУЧ - БИЛЛИМ ВА МАФАККУРДА

Якинда «Тафаккур» журналининг 2-сони нашрдан чиқди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг журнアルбош мухаррирининг саволларига жавоблари эълон қилинган. Суҳбатда жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, тарихимиз ва келажимиз билан боғлиқ долзарб масалалар, бугунги кунда замон ўртага қўяётган янги-янги муаммолар ҳақида давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ўз аксими тошган. Жумладан, сухбат анососида юртбошимииз «9-15 асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, ул-

бекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, 21-асрда биз ҳалқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишмиз керак. Ўша даврда улуғ аждодтаримиз асос соглан ва оламга донг таратган илмий мактабларини замонавий шаклда қайтадан тикилашимиз лозим. Такрор айтаманки, бунга

ҲАФТАНИНГ



ЕТТИ КУНИ

талим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин... Бу соҳадаги қадамларни тўғри қўя олсанк пойdevорни мустахкам қилиб барпо этсан,

мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак...», - дея таъкидлadi.

ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДАГИ ҚАБУЛ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16-июнь куни Япониянинг Хорижий иқтисодий ҳамкорлик Жамғармаси \ОИСФ\ вице президенти Томио Учидани қабул қилди. Суҳбатда Ўзбекистон билан Япониянинг мазкур жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари хусусида фикр алмашилди.

ДАМИРНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ.

Намангандаги ўзбек-турк лициеннинг 10-синф ўқувчиси Дамир Шамсiddинов якинда Истанбулда бўлиб ўтган навбатдаги ҳалқаро экология олимпиадасида иштирок этган эди. Кирқдан ортиқ иштирокчиларнинг илмий-амалий лойиҳаси орасида Дамирнинг сувни булғатувчи моддалардан тоғалаш муаммосига багишланган иши энг яхши деб топилгани ҳакида хабар келди. Лицей ўқувчисига биринчи даражали диплом ва олтин медаль берилди. Шуни айтиш керак-ки, ушбу олимпиадада 25 давлатдан ёш экологлар иштирок этган.



ФАЗОГИРНИН ШОГИРДЛАРИ

Бундан иккى йил олдин республикамизда «8 Халқаро ёзги аэрокосмик мактаби» да республикамиз ва чет эллардаги иқтидорли ўқувчиларнинг ўн кунлик аэрокосмонавтикага оид мусобақалари ўтказилган эди, - дейди тўгарак раҳбари Ахмаджон Жўраев. - Ана шу мусобақаларга бизнинг туманимиздан ҳам иқтидорли ўқувчилар қатнашди. Мен ҳам улар билан тўгарак раҳбари сифатида

Наманган туманидаги «Ёш техниклар» марказида ракетасозлик тўгараги бир неча йиллардан бери ишлаб турибди. Тўгарак аъзолари фахрли ўринларни эгаллашмоқда.
Тўгарак машгулотлари ўтадиган хонада худди табийдек ясалган турли кўринишдаги самолёт ва ракеталарнинг нусхалари чиройли териб қўйилган. Баъзилари хона шинига гўё учуб кетаётгандек холатда жойлаширилган.

иштирок этдим. Биз аэрокосмик мактабига борганимизда республикамизнинг ҳамма вилоятларидан ҳамда Покистон, Малайзия давлатларидан келган иқтидорли болалар бор эди.

Дастлаб мактабга келганларни гурухларга бўлишиди. Ҳар бир гурухда 10-12 нафар ўқувчи уюшди. Эрталабдан то тушгача ракета ва самолётсозлик бўйича назарий билимлар ўқитилди. Дарсларни космонавт учувчилар В.А.Жонибеков, В.А.Ляхов ҳамда Солижон Шариповлар олиб боришиди,

ЎЗБЕК ТИЛИЧАТИ МАШГУЛОТ

**Ахорбек ТУРДАЛИЕВ,
13- мактаб ўкувчиси:**

- Дарс давомида Солижон ака бир гапни тақорлардилар: «Космонавтикада фақат аъло баҳолар аскотади», дердилар. Улар машгулотларни ўзбек тилида ўтардилар. Ва бу соатлар бир умрга бизнинг қалбимизда сақланиб қолди. Дарслар ўтиб бўлингандан кейин, амалий машгулотлар ўтиларди. Космик ракеталарни, самолёт моделларини чизиш, ясаш бўйича мусобақалар ўтказиларди. Бўшаган вақтларимизда ўқитувчимиз Солижон Шарипов билан яна уч-

рашардик. Улар бизни қизиқтирган саволларимизга бажонидил жавоб берардилар.

Болалик йилларини ҳам гапириб бергандилар. Физика ва астрономияга қизиқтирган ўқитувчилари Рашида Кабировна Соколовадан жуда-жуда мамнун эканликларини ҳам айтган эдилар.

«СТАРТ»ДА ТАЙЁРЛАДИК!

**Нурилло Йўлдошев, 22-
мактаб ўкувчиси :**

- Солижон акамизнинг буюк мутафаккирларнинг фикрларига йўғрилган сухбат дарсларини мароқ билан тинглаганмиз.

Шу кунларда тўгара-гимизда ракета моделини тайёрлабди уни йифдик. Ва Солижон амализниң ғалабаси шара-фига биз ҳам ўз кичик ракетамизни учирив, синааб кўрмокчимиз.

Дўстларим - 13-мактаб ўқувчиларидан Шерзод Йўлчиев, Сайдулло Худойбердиев, Мансур Мадумаров, Баходир Содиков, сингари иқтидорли болалар билан янги ракетамизни «старт»га тайёрладик.

Ўйлайманки, бу иши-миз ўзининг яхши нати-жасини беради.

Биз тўгарак аъзолари Солижон Шариповдек аъло ўқишига, тўгаракка фаол қатнашиб, фазо сирларини ўрганишга харакат қиласиз.

**Абдуллажон
ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон
журналистлар
уюмаси аъзоси.**

АКАМ БЕРГАН СӨВГА

Ўтказишаюти.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туман ҳалқтаълими бўлимига қарашли ўқувчи ёшлар техник ижодиёт марказидаги «Ёш сураткаш» тўгарагида ҳам боалар ҳамиша гавжум.

- Менга акам туғилган кунимда янги фотоаппарат

ўзига яраша қийинчиликла-ри бор экан.

Ёш сураткашларга бу соҳани меҳр билан ўргатишида тўгарак раҳбари Ҳасанбой ака Бекимовнинг хизматлари катта бўляпти.

Ўқувчиларда фотосанъатига қизиқиш ортса уларда юксак маънавий дид ҳам



совга қилдилар, - дейди тўгарак аъзоси Баҳромжон. - Жудаям хурсанд бўлиб кетдим. Сабаби, суратга олишга қизиқардим. Буни сезган акам мени шу тўгаракка олиб келдилар. Ҳозирги кунда сураткашликнинг сирларини устозимдан ўрганаётган,

- Тўгаракка қатнашмасимдан илгари фотоаппарат бўлса, бас. Чикиллатиб суратга олавераман, деб ўйлардим, - гапга кўшилди Умид Кўчкоров. - Нотўғри ўйланган эканман. Бунинг ҳам

шаклланади, дейдилар Ҳасанбой ака. Улар мактабларда «Ёш сураткашлик» тўгарагини ташкил этиш мавзууда қўлланма ёздилар. Шу кунларда нашр қилинин арафасида.

Ҳаваскор сураткашларнинг ишларини тамоша қилодик ва сизларга ҳам айримларини хавола қиласимиз.

**Ойбек РОЗИМОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси Беруний
туманидаги ўқувчи
ёшлар техник ижодиёт
маркази услубчиси.**

ДОИРА

ДЎМ-ДЎМ...

Боболардан мерос созлардан бири доирадир. Доира оҳанглари байраму тўй- томошаларга файз кирилади. Бугунги кунда мазкур мусиқа асбобига қизиқиши болалар ўртасида ошиб бормоқда.

Бўстонлиқ туман маданият уйининг «Зарб» доирачилар гурухи фазалентлик элликка яқин мактаб ўқувчиларини ўз атрофига тўплаган. Улар ижросидаги дастурлар ранг-баранглиги билан кўпчиликнинг эътииборини тортмоқда. Гурух таъқинидаги қочириларга бой усуллар якка ижро-чининг бир неча доирани чалиш маҳорати олқишига сазовор бўлмоқда. Яқинда ижодий жамоанинг бадиий раҳбарри Ҳолмурод Ҳожижабборов саҳналаштирган «Бизнинг уйда тўй бугун» деб номланган дастур билан муҳлисларни хушнуд этди. Иштирокчилардан Собиржон Эрназаров, Шерзод Шимаев, Жавлонбек Оқабеков, Азиз Баротов, Ойбек Рустамов кабилар маҳорати тамошага ўзгача кайфият бағишилади.


ТАШОВУЛНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ

Қўйи чирчиқ туманидаги Тошовул қишлоқ маданият уйининг «Юлдузлар» ашула ва рақс дастасига қатнашаётган ўқувчилар мафтункор концерт томошалари билан эл назарига тушмоқда. Уларнинг янги «Юлдузлар чирой очганда» деб номланган дастури ҳам олқишиларга сазовор бўлди. Ёш истеъодод соҳиблари куй ва қўшиқлар, рақслар билан болалар шодлигию истиқдол мадҳини яққол гавдалантириб бердилар. Гурухнинг бадиий раҳбари Людмила Отажонова саҳналаштирган дастурда ўзбек миллий рақслари, болалар ўйинлари асосидаги шодон рақслар, болалик қувончлари акс этган қўшиқлар ўрин олган.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ

БОЛАЛИККА ҚАЙТГАНДАЙМАН, АЗИЗ БОЛАЛАР!


27-июнь—ўзбек матбуотчилари куни



—Фудбол майдонида фоторепортаж тайёрлаётган экан

Сизнинг кўнглиниздни хушнуд этиш учун теварак атрофимизда бўлаётган воқеаларнинг ҳаж-

да ишлаб, бугунги кунда нафақаҳўрлик гаштини суроётган Собир Холбеков ўзининг су-



Жаҳон тарихида бунақа иш бўлмаган. Ҳудо хохласа, бу жасоратиниз тиллафда достон бўлади.

вий, кулгили қилиб сизга етказиш ниятида таҳририятимизга бир неча йиллар маориф соҳаси-

ратлари билан кириб келдилар. Биз пайтдан фойдаланиб у кишини сухбатга чорладик.



—Репортажимиз шамол ҳақида шамол тегирмонидан олиб борилляпти.

ҲАМРОХИМСАН, МЕНИНГ ГАЗЕТАМ!

Мен жуда кўп вақтимни укам Сардор билан ўтказман. Тоза ҳавода айлантираман, китоблар ўқиб бераман, расмлар чизиб бераман. Онамга ёрдам беришини, тўкишини, ширинликлар пиширишни ҳам жуда яхши кўраман.

Биз маҳалламиз қизлари ёзги таътил вақтида зерик маслик учун «Балли қизлар», «Икбол» конкурслар-

ри, болалар билан қўшилиб эса «Қувноқ стартлар» мусобақалари ўтказиб турамиз. Дугоналарим билан бирга кўчамиздаги катта чинор соясида ўтириб газета ва журнallар ўқимиз. Айниқса севимли газетамиз «Тонг юлдузи»ни орзишиб кутамиз. Ундаги «Тенгдошларинг ижоди», «Қулоғингтаганим бор», «Бувимнинг сехрли сандиги» саҳифаларини

жуда қизиқиши билан мутоала киламиш. Бизнинг ёзги таътилимизда энг яқин ҳамроҳ бўладиган—«Тонг юлдузи»! Матбуотчилар байрами яқинлашётганини эшишиб, сени бизга тонг юлдузидай чарақлатиб етказиб берадиган ижодкорларга раҳмат айтимиз келди. Яна бир янгиликни айтиб кўяй. Мактабимиздагилар ҳаммаси ҳам бирданига бир йилга обуна

-Болаликни жуда яхши кўрсангиз керак-а?

— Албатта. Бутун умримни болалар ҳаёти билан боғладим. Мактаб директори, халқ таълими ходими бўлиб бир неча йиллар ишладим. Болажонлар учун шеърлар ёздим, расмлар чиздим. Фақат оппок булутлар каби болаларгини беғубор бўладилар. Биласизми, одам ёши ўтган сари бола бўлиб бораверади. Мен хозир болаликка қайтгандайман.

-Маориф соҳасида ишлаганингизда болалар учун қандай ишлар қилдингиз?

— Бўка туманидаги мактабларни республикаларга саёҳатга олиб

етаклаб бораверади. «Тонг юлдузи» газетаси ҳам маълум маънода тарбиячиидир. Унинг саҳифаларини вараклаб, бунга



—БИЗНИ ЯНА ТАНҚИД КИЛИБ ЁЗАСИЗМИ Ё...



—Билмасдан фелътонни еб қўйибман

борардик. Фестиваллар, Эртаклар кечаси, Гуллар байрамларини ўтказардик. Ҳамма қизғин ва жўшқин ишларни барпо этардик.

-Ўқитувчилик фолиятингиздан чиқарган хуносангиз қандай?

— Ўқитувчилик энг олий касб. Бу касб эгалари эртанги ҳалқни тарбиялади. Ўқитувчи болаларни тарбиялаш билан бирга ўзини, оиласини юксак мақсадга



—Матбуотга сув кетмайди.

бўлишга имкониятлари бўлмади. Ҳалар орасида мен ҳам бор эдим. Суриштирсан газетага ҳатто бир ойга ҳам обуна бўлиш мумкин экан. Мен яна сенга уч ой учун обуна бўлдим. Газетхон дугоналаримга «Тонг юлдузи»ни ўқиш учун ўзингизга имконият яратинг дейман. Ўқимишли ўқувчиларнинг таътили марокли ўтади.

**Хафиза Очилова,
Мирзо Улуғбек
туманидаги
49-мактаб ўқувчиси.**





Жалол МАГАЗИНЧИННИГ ТОРОЗУСИ

Биз Гулистан шаҳрида яшаймиз. Уйимиздан бир бекат нарида катта озиқ-овқат магазини бор. Бу ерда Мехриддин амаки деган кекса кипи ишларди. Ҳар гал уйдагиларнинг топшириғи билан бу магазинга кириб ҳарид қилиб қайтарканман, бу амакининг қайтимни тўғри берганми ё йўқлигини санаб кўрганимда хисобга тўғри келарди. Шунинг учун ҳам кейинчалик уларга ишонганимдан қайтимни санамайдиган бўлдим.

Бир куни уйимизга узокда турадиган қариндошимиз

ЮРАКЛАРНИ КАТТАЛАР БОЛАЛАР НИГОХИДА ПОКЛАР ҲАЛОЛЛИК

Болажонлар, сизнинг орзиқиб кутган сўлим таътилингиз ҳам бошланди. Ҳамма тенгдошларингиз кўнгли тусаган жойларда дам олишяпти. Қишлоқда яшайдиган баъзи тенгдошларингиз бўлса, мевалари гарқ пишган болгарда мириқиб ҳордиқ чиқарашади, меҳнат қилишади.

Сизнинг яқин дўстингиз бўлмиши «Тонг юлдузи» газетаси эса сиз учун таътилсиз хизмат қиласверади. Ўзининг маърифат дунёсига сизни тинмай чорлайверади. Унинг кейинги саҳифалари аввалигисидан ҳам қизиқарли ва самимий бўлади. Биз буни сиздан олаётган мактубларни ўқиётган вақтимиздаёқ ҳис қилдик.

Ҳозир ҳам эътиборингизга ҳавола этаётган мактубларни газетамизнинг энг яқин муҳлислари—тенгдошларингиз ёзган.

Сиз ҳам энг яхши муҳлис бўлишга ошиқинг: ўқинг, муҳокама қилинг, хулоса чиқаринг—бизга ёзив юборинг.

мехмон бўлиб келди. Уйда ширинлик тугагани учун онам мени дархол магазинга юборди. Магазинда ёшроқ амаки ишга келган ёкан. Негадир унинг кўзлари менга ёқмади. Мехриддин амакининг кўзларига ўхшамагани учун бўлса керак. Мен икки килограмм янги чиқкан шоколаддан олиб, пулини тўлаб, қайтимини олиб қайтдим. Одатим бўйича қайтимни санамадим. Мехмон ая билан гаплашиб ўтирган

онамни чакириб, ҳарид қилган ширинлик билан қайтими қўлларига топширдим. Мехмон кеттач, онам мени ёнларига чакириб:

«Янги хунаринг муборак бўлсин, ўелим, сендан буни кутмагандим», -дедилар дабдурустдан. Мен ҳайрон ёдим. Кейин онам ёлрон гапириш, қўли эгрилик каби одатларнинг ёмонлиги ҳақида гапира кетдилар. Суриштирсан гап кеча қилиб келган ҳаридим устида кетаётган экан.

Гарчи қайтимни санамай онамга берсамда, янги магазинчи менга тўғри хисоблаб берган, деб ўйлаган эканман.

Онамнинг хисоблашларича қайтим юз сўм кам эмиш, қолаверса шоколад ҳам икки килога етмас экан. Мен онамни ўзимнинг ҳақлигимга қандай қилиб ишонтириши билмас ёдим. Худди шу пайт кўшнимиз Сабоҳат она чиқиб колди.

Нимадандир жаҳли чиқкан, кўлида қандайдир коғоз-

га ўралган нарса. У онамни кўра солиб: «Худодан кўркмайдиган қанақа виждансиз одамлар бор-а, қўшнижон-деди ёрилиб-биласизми, кўрпа-кўрпача қилиш учун кеч магазиндан 10 метр чит газлама олган ёдим, қўлинг сингур, шунақаям тез ўлчадики, саонлай қолдим-а. Тўғри хисоблагандир, деб бугун ўлчаб кўрсан, нақ бир ярим метр кам чиқаётпи», -дэя яна каранди. Онам ҳамма нарсани тушунгандай, мен томонга қаради-ю хижолат тортгандай бўлди. Секин-аста бутун қўчамиз аҳолиси янги келган магазинчи Жалол ақанинг виждансизлигидан куйиниб гапирадиган бўлди. Ҳатто маҳалла оқсоқоли бошчиллигидан комиссия тузиб, тафтиш ҳам қилишди, лекин тарозидан ҳам, бошқа нарсадан ҳам айб топишомади. Қизиқ, Жалол ақанинг тарозуси эгасининг чилдирмасига қаочонгача ўйнаркин? Яна бир нарса. Жалол ака ўғилларига ота бўлиб қандай насиҳат қиласкин: ўелим виждонли бўл, ҳамиша тўғри бўл, дермикан, ёки ҳамма жойдан ҳар қандай ўйлаб билансин пул топишни ўрган, виждон ҳакида ўйлаб ўтирма, дермикан?!...

**Нормурод Алиев
Сирдарё вилояти**

АВТОБУСДАГИ ВОКЕР

Мен Азизобод деган қишлоқда яшайман. Салима холам Бухоро шаҳрида яшайди. Таътил бошлангани учун дам олиб, айланиб келишга бобжоним билан Бухорога, холамларнига бормоқчи бўлдик. Қизилтепа-Коган йўлида қатнайдиган автобусларнинг бирига чиқдик.(Аслида мен бу воеа ҳакида ёзмоқчи эмас ёдим. Аммо кўзим олдидан кичкина боланинг зорланиб ўйлагани кетмагани учун ёзишга мажбур бўлдим.)

Автобус жонвор ҳар беш минутда бекатсиз ҳам тўхтайверади. Бунинг устига ниҳоятда эски, юрганда шунақангича шараклайдики шовқиндан бошинг ёрилиб кетай дейди. Қайсирик жойдан автобуста ёш боласини кўтарган она чиқади. Кўринишидан юзларидан самимийлиги, меҳнаткашлиги билиниб турган она бекатига яқинлашган сари нима учундир безовталана бошлади. Бир пайт ҳайдовчига акажон, қопчи-

м им уйда қолибди-ку, мен автобусингизни таниб олдим, ҳўп десангиз қайтишингизда худди шу бекатда сизни кутиб тураман, йўл ҳақини албатта тўлайман,-деди. Ҳайдовчи амаки бўлса оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан аёлни сўқди. Кейин эса: «Мен сендақаларга ишонмайман болангни гаровга ташлаб, тезрок тушиб йўл пулини топиб келасан»-деди. Менинг меҳрибон бобжоним, ҳайдовчига: «Кўйинг, ука, ёш боласи бор экан, кийнамант, мана мен бераман ўш пулни»,-дедилар. «Ҳайдовчи амаки бўлса, жеркиб: «Сиз, жойингизга ўтиринг бобой»-деди. Бутун автобус ичидаги йўловчилар шоферни инсофга чакирмокчи бўлдилар. Аммо у ўзини кўрсатгани келган бир сўзли одамдай гапидан қайтмади. Бечора она бўлса, нима қилишини билмай, жовдирайди. Охири ҳайдовчи ўз сўзида туриб олиб, ёш гўдакнинг чинқириб ўйлаганига қарамай, онасининг кўлидан



-Далам қачон келадилар?

СОЖИДА КЕНОЙИМ

оиласида катта тўполон бўлди. Анча олдин Туроб тогам машина сотиб олган ёди. Ҳасатгўй Сожида кеноим кичкина кеноимга бу гап ортиқчалик қилиб, ишдан чарчаб келган Туроб тогам билан қилиби жанжални... Бечора тогам бўлса, қанча харакат қилмасин, бу гапнинг ёлғонлигини тушунтиrolмади. Шундай қилиб икки боласи билан Гулчехра кеноим онасини кетди. Сожида кеноим бўлса, Туроб тогамга: «Кўйинг, орка-

олиб келибди.

Ҳамма гийбатларга кўнинкан кичкина кеноимга бу гап ортиқчалик қилиб, ишдан чарчаб келган Туроб тогам билан қилиби жанжални... Бечора тогам бўлса, қанча харакат қилмасин, бу гапнинг ёлғонлигини тушунтиrolмади. Шундай қилиб икки боласи билан Гулчехра кеноим онасини кетди. Сожида кеноим бўлса, Туроб тогамга: «Кўйинг, орка-

сидан бориб, йигитлик шаъннингизни ерга урманг. Ўзи хотинингиз анча енгилтак ёди, сиздан яшириб юрувдим», - дея гўё тасалли берибди.

Онам билан дадам тогамнинг оиласини яратширмокчи бўлиб қанча уринишиди. Лекин бўлмади. Чунки икки томонни ҳам Сожида кеноим ўзининг фийбатлари билан заҳарлаб бўлган ёди.

Яқинда уларнинг оиласи ажралиб кетди. Уларнинг икки боласи тирик етим бўлиб қолди.

Туроб тогам бўлса, ҳозир иччиликка берилиб кетган.

Ишдан ҳайдалди. Яқинда машинасини ҳам сотди. Сожида кеноим бўлса ҳеч нарсани кўрмагандай, ич-ичидан хурсанд юрибди. Авваллари тогамларнига бориб, уларнинг катта боғларида мазза қилиб дам олиб кайтардим. Энди эса Сожида кеноимни кўрмаслик учун ҳеч ҳам боргим келмайди. Чунки уларни жуда ҳам ёмон кўраман.

**Халоват Шодмонова
Қашқадарё вилояти,
Шахрисабз шаҳри.**

Менинг икки тогам бор. Катта тогам Акмал инженер бўлиб, кичкинаси Туроб эса доктор бўлиб ишлайди. Иккаловсининг оиласи ҳам бир ховлида яшайди. Ҳовлилари жуда кичик, икки оиласа етарили. Шунга карамасдан уларнинг орасида тез-тез жанжал чиқиб туради. Катта кеноим бозорда майдачуида сотади, кичик кеноим тикувчи. Сожида кеноим (каттаси) анча зардали хотин. Гулчехра кеноим эса ширин сўз аёл.

Яқинда Туроб тогамнинг

ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова
иқтисодий газета



Бўздаги бир мактабда

ИҚТИСОДИЙ ТАЖРИБА

Иқтисод. Бу сўзни ҳар ким ҳар хил тушунади. Умуман иқтисоднинг турли шакллари мавжуд. Масалан, бозор иқтисоди, оила иқтисоди, товар иқтисоди ва ҳоказолар. Бозор, оила, товар иқтисодлари кўпчилик учун деярли маълум нарса. Аммо биз бугун мактаб иқтисоди ҳақида бир оз тўхталиб ўтмоқчимиз. Хўш, мактаб иқтисоди, ўзини бошқариш дегандা биз нимани назарда тутилмиз?

Бўз тумани, А.Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашга 2-ўрта мактаб ўқувчилари мактаб иқтисодиёти, яъни ўзини ўзи бошқариш усулини туманда биринчи бўлиб амалда синаб кўрган мактаблардан бири. Мактаб биноси ишга туширилганига эндиғина 6 йил бўлди. Аммо шу қисқа вақт мобайнида мактаб жамоаси кўзга кўринарли тадбирларни амалга оширишга муваффақ бўлишиди. Дастлаб мактаб биноси жиҳозланмаган, атрофи фақат қуруқ ердан иборат жой эди. Ахил жамоа, хусусан тадбиркор ўқувчилар хоналарни жиҳозлаш, мактаб атрофини гулзорга айлантириш, турли хил мевали кўчатлар ўтказиш каби ишларда ҳеч кимдан ҳеч қандай моддий ёрдам сўрамадилар. Нега дейсизми, албатта ажабланарли. Мактабда 12 та синф мавжуд. Унда жами 420 нафар ўқувчи таълим олади. Булардан 240 нафари ўғил болалар. Қизиги шундаки, бу мард ўғлонлар меҳнат дарсларида ва дарсдан бўш вақтларида мактабга қарашли ерни чопиш, экин-тиқин ишларини олиб бориш, мевали кўчатларни ўтказиш ишларини ўзлари бажаришиди. Улар ўтган 2 йил вақт мобайнида полиз маҳсулотидан 20 минг соф фойда ва шунга яраша даромад олишиди. Қизлар ўтказган гул кўчатлари ва ниҳолларга қараб кишининг кўзи қувнайди. Синф хоналар ва заллар замонавий жиҳозлар билан шинам орасталанганд. Ҳамма шод, камчиликлар йўқ. Ҳавас қилса арзигулик маскан.

Мана шундай қилиб улар мактаб иқтисоди, ўзини бошқариш усулини ўзлаштироқдалар.


А. КОМИЛОВА.

Хабарингиз борми?

ХАТЖИЛДЛАРДА - БОБОЛАРИМИЗ СИЙМОСИ

Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида ўзлигимиз, миллийлик тобора кенгрок ўрин олаётир. Жаҳон андозаларига мос хатжилд (конвертлар)имиз аллақачон ҳалқаро миёсда ҳам яхши кутиб олинди. Негаки аввалги хатжилдларга солинадиган мактубларни ҳар тарафлама булаш талаб этиларди. Ўзимизнинг янги конвертларда мактубларнинг бели синмайди. Яйраб кетади.

Яқинда хат-алоқа тизимида яна бир қатор ўзбекона нақшлар жорий этиладиган бўлди: “Ўзбекистон маркаси” ҳиссадорлик жамияти буюк аждодларимиз - Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Камолиддин Беҳзод ва бу йил 170 йиллик тўйи нишонланадиган Бердах сиймолари туширилган маркалар туркумларини чоп этишга қарор қилди. Шунингдек, “Алномиш” достонининг қаҳрамонлари ва сюжетига алоқадор суратлар, “Шарқ тароналари” ҳалқаро фестивали манзаралари акс этган чиройли расмлар ҳам хатжилдларимизга кўрк бағишлийдиган бўлди.



“Амаки, мени мана шундай қилиб сувратга олинг”

ЮМШОҚ ЎЙИНЧОҚЛАР, БЕЖИРИМ БУЮМЛАР ИЖОДКОРИГА ҲАЛҚАРО МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ



Нафис пластмасса идишлар, бежирим стол-стуллар бугун юртимизнинг ҳар бурчидаги одамларга беминнат хизмат қилаётир. Юмшоқ ўйинчоқларнинг рангнлиги, ёқимлилигини айтмайсизми?! Ошхона жиҳозлари, орасталик-озодалик буюмлари тўпламларининг қўриниши кўркам, фойдаланишга қулагай, кўлами ихчам, нархи нисбатан арzon. Бунда қулагай, ҳаридоргир фазилатлар ватанимизда ишлаб турган “Совпластитал” Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси маҳсулотларига хос.

Мазкур қўшма корхонада ишлаб чиқарилётган пластмасса буюмларнинг обрўси металл ва чинни буюмлар қадридан ҳам юракка яқин бўлиб қолгани сир эмас. Шунинг учун ҳам бу йил “Совпластитал” Американинг “Юқори сифати учун” деб номланган ҳалқаро мукофоти билан тақдирланди.

АЗИЗ БОЛАЛАР! Ҳонадонингиздан буюмларга, ҳатто ўқув куролларингизга синчилкаб назар солсангиз, бу қўшма корхонамизга нисбатан ҳурматингиз янада ортиши шубҳасиз.

Нилуфар 5- “B” синфда ўқийди. Унинг ҳамиша порлаб турувчи кўзлари, юзидағи шўхлик ва шаддодлик аломати ўзига жуда яратади. У оиласада ёлғиз қиз бўлганлиги сабабли, анча эркин ўсган. Шунга қарамай, Нилуфар ҳар бир ишин тез ва пухта бажаради. Ўқитувчилари ва синфдошлари орасида ўзига яраша ўрни бор.

Нилуфар синф бошлиги, яъни етакчиси. У ўқишида, жамоат ишларидан фаол қатнашади. Баъзи бир ўқувчилар, муаллимлар Нилуфарга ҳавас қилишади. Унинг эркин фикрлаши, синфдошлари билан муомаласи, айниқса, етакчилек борасида олиб борадиган ишлари ўзига хослиги билан ажralиб туради. Ҳозир бошқа баъзи бир синф бошлиqlari фақат номигагина иш қилишади. Лекин Нилуфар бошқача. Кeling, яхшиси бу гапларимизни исботи сифатида у билан ўлган сұхбатимизни баён қиласиз.

ЕТАКЧИ ШУНДАЙ БЎЛШИШИ КЕРАК

- Нилуфар, мучалингиз нима?
- Куён.
- Мучалингизни ўзингизга мос деб ўйлайсизми?
- Мучалим табиатимга тўғри келса керак, яна билмадим.
- Куённи беозор, тиним билмайдиган жонивор дейишиди. Сизни анча шўх дейишиди?
- Ҳа, мен эрка ўсганман, шаддодлигимни тан оламан. Мен ҳеч нарсадан кўркмайман. Айтадиган гапим, қиласидиган ишим аниқ, нимадан кўрқай.
- Ҳа, тўғрилик яхши фазилат. Нилуфар, мана сиз синfiningизнинг етакчиси экансиз. Нима деб ўйлайсиз, етакчи қандай бўлиши керак.
- Ҳар бир синфни етакчиси бўлади. Етакчи бу синф раҳбарининг ишонган дўсти бўлса керак. Мактабда ҳар хил воқеалар бўлиши мумкин, ташкилий ишлар, синф мажлислари. Шундай пайтларда етакчи яхши фаол бўлса, бошқалар ҳам унга кўшилиб тенг ҳаракат

қилишади.

- Синфдошларингиз билан урушмайсизми?

- Йўқ, улар билан жуда яхшиман. Биз ҳамма ишни бирга ҳал қиласиз.

- Ташкилий ишларда-чи? Ҳозирги кунгача қандай ишларни бажардинглар?

- Биз шанбаликларда яхши қатнашдик. Қизлар кўча супуришди, гул экишди. Ўғил болалар ерларни текислаш, кўчат ўтқазишида акаларага ёрдам беришиди.

- Синф мажлиси ҳам ўтказиб турасизларми?

- Ҳа, синф раҳбаримиз билан тез-тез йиғилиш ўтказиб турасиз.

- Нилуфар, ўқитувчилар билан тил толишомай қолган вақтлар бўлганми? Уларни тўполон қилиб хафа қилмайсизларми?

- Йўқ, устозларимизни ҳурмат қиласиз. Айниқса, директоримиз Азимжон ака Бекмирзаев биз билан одоб-ахлоқ, ўқишимиз ҳақида сух-

батлашиб туради. Улар бизни ўз фарзандидек кўради.

- Нилуфар, энди оиласидек ҳақида ҳам гапириб беринг?

- Биз оиласада 5 кишимиз. Ойим, дадам, икки акам ва мен. Ойим врач, дадам турли шахларга юқ олиб боради. Катта акам Фарғонада ўқийди, кичиги ҳозир лицейда.

- Кўпчилик қизлар она касбини танлашади. Сиз ким бўлмоқчисиз?

- Ҳа, мен врачлик касбини яхши кўраман. Онам сингари врач бўлишни орзу қиласман.

- Раҳмат Нилуфар. Сизга ўқишида ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Нилуфар билан сұхбатимизни яқуналар эканман, унинг болаларча самимий, бегубор ўй-фикрларини эшишиб, ўйланиб қолдим. Қани энди ҳамма синф бошлиqlari ҳам шундай бўлса. Ажаб эмас, бу жаражжи қизалоқ келажакда ўз касбингиз тоғир устаси, тадбиркор раҳбар бўлиб етишса.

Адолат КОМИЛОВА.



КОРХОНА СОЛИФИ

КОРХОНАЛАР СОЛИҚЛАРИННИГ МОҲИЯТИ НУМДАДАН

ИБОРАТ?

Корхоналар ўз фаолиятларини бажариши туфайли албатта фойда ёки даромад олишлари шарт. Корхоналар соликлари деганда уларнинг олган фойда (даромад)ларидан, сотилган маҳсулоти оборотидан ва мол-мулк қийматидан умумжамият эҳтиёжини қондириш мақсадида давлат бюджетига ўтказиладиган соликли ва солиқсиз тӯловлари тушунилади. Уларнинг ҳаммаси мөҳиятига биноан мажбурий тӯловлардир. Корхоналар соликлари ўз мөҳияти жиҳатидан яратилган соғ даромаднинг ҳамда маҳсулот қийматининг бир қисмини корхона билан давлат ўртасидаги қайта тақсимлашни ифода этувчи иқтисодий, мажбурий пул муносабатларидир.

БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА КОРХОНАЛАР ТЎЛАЙДИГАН СОЛИҚЛАРИННИГ РОЛИ ҚАНДАЙ?

Республикамиз мустақиллигининг кенгая бориши ва бозор муносабатларининг тўлиқ мустаҳкамлана бориши билан корхоналар соликлари давлат бюджети даромадларининг ҳал қилувчи манбаига айланаб бормоқда. Илгари хилма-хил солиқсиз тӯловлар ўрнини, маъмурӣ-буйруқбозлиқ даврига хос тӯловлар ўрнини қонуний, демократик соликли тӯловлар эгаллаб бормоқда. Натижада давлат бюджети даромадларидағи соликли

тӯловлар салмоғи ошиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон давлат бюджети даромадида 1993 йилда корхоналар соликлари салмоғи қарийб 65 фоизни ташкил этган бўлса, 1996 йилда бу салмоқ 82 фоиздан ортиқ бўлди.

Демак, давлат бюджети даромади таркибида ҳал қилувчи манбаа ролини корхоналарнинг фақатина соликли тӯловлари бажарар экан. Ваҳоланки, корхоналар бир қатор соликли тӯловларни ҳам тўлайдилар.

КОРХОНАЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ҚАНДАЙ ТАРТИБДА БЮДЖЕТГА ЎТКАЗИЛАДИ?

Бунда корхонанинг счётидан тӯлов суммаси ўчирилиб, бюджет счётига ўтказилади. Бу ерда корхоналар учун ҳисоблашиш ҳужжатлари бўлмиш тӯлов топшириғидан фойдаланилади. Корхоналар ўз вақтида соликларини тӯламасалар 3 кун ўтиши билан солик идоралири боқимандани ундириш учун инкассо талабномаси қўллаш ўйли билан тӯлов ундирилади. Агар ортиқча солик тӯланган бўлса-ю, уни бюджетдан қайтариб олиш лозим бўлса, унда бюджет счётидан маб-

лаф ўчирилиб, корхона ҳисоб счётига ўтказилади.

Тӯловлар дастлаб бўнак (аванс) тариқасида, сўнгра чорак (баъзан ой ва йил) ўтиши билан ҳисобот илини якунига қараб қайта ҳисоблашади.

Бундай тартиб жуда тежамлидир. Чунки бу усуlda миллиард-миллиард сўмлаб нақд пулларни тўплаш, уларни маҳсус кўриқловчи соқчилар билан кўриқлаш, маҳсус машиналарда кўриқловчилар билан ташиб ва сейфларда сақлашга ҳожат йўқ.

КОРХОНА ФОЙДАСИГА СОЛИҚ ДЕГАНДА НУМАНИ ТУШУНАСИЗ? НУМА УЧУН ДАРОМАД СОЛИФИДАН ФОЙДА СОЛИФИГА ЎТИЛДИ?

Фойда солиғи - бу корхона, бирлашма ва ташкилотларда яратилган соғ даромаднинг бюджетга жалб қилинадиган қисмидир. Амалиётда фойда солиғи деганда фақат фойданинг ўзидан олинадиган солик тушунилмасдан, балки ҳар хил бошқа даромадлар, шунингдек бошқа корхоналар фаолиятида хиссали қатнашишдан олинган даромадлар ҳам тушунилади.

Фойда солиғида солик обьекти бўлиб, асосан фойда ҳисобланади. Унга қатъий солик ставкаси белгиланган бўлиб, анчагина кам ставкада солик тӯлаш имконияти ҳам бор. Масалан, корхоналар

умум ишлаб чиқарган ва сотилган маҳсулотлар ҳажмидан 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда экспортга товарлар сотилганда солик ставкаси 2 марта камайтирилиб (18,5 фоиз) тӯлаш мумкин.

Даромад солиғида эса солик обьекти бўлиб, ялпи даромад ҳисобланади. Бу ерда иш ҳаки фонди ҳам бошқа даромадлар билан кўшилиб солик обьектига кириб кетади. Демак, бу тартибда корхонанинг тӯлаши лозим бўлган солик суммаси кўп бўлади. Бундай ҳолда корхона баъзан фойдаси бўлмаса ҳам меҳнат ҳаки фонди

ҳаражати ҳисобига солик тӯловчи бўлишилиги мумкин. Бу ўринда фойда солиғини корхонанинг молия фаолияти якунига боғлиқ солик ва маҳсулотни ишлаб чиқаришини, уни четга экспорт қилишни рағбатлантирувчи солик десак бўлади.

Фойда солиғи бизнинг амалиётимизда янгидан жорий этилган прогрессив солиқдир. Даромад солиғидан фойда солиғига ўтишлик жаҳон солик андозасига яқинлашиш ва ҳақиқий олинган фойдадан солик тӯлашнинг иқтисодиёт учун афзалликларидан келиб чиқади.

ФОЙДА СОЛИФИ ТŪЛОВЧИЛАР ҚАНДАЙ ГУРУҲЛАРГА БЎЛИНАДИ?

Ўзбекистон Республикаси солик қонунчилигига қарандана, фойда солиғи тӯловчилар икки гурӯҳга бўлинадилар:

- * Ҳукуқий шахслар;
- * Ҳукуқий шахс бўлмаган корхона ва ташкилотлар.

Биринчи гурӯҳга ҳукуқий шахс бўлган мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналар, ташкилотлар, шунингдек бюджет ташкилотлари (даромадлар ва хажратлар сметаси) бўлган муассаса ва ташкилотлар киради.

Иккинчи гурӯҳга ҳукуқий шахс бўлмаган, аммо ўзининг мустақил баланси ва банк муассасаларида ҳисоб-китоб счёtlарига эга бўлган корхона, бирлашма

ва ташкилотлар филиаллари, ваколатхоналар ва уларнинг алоҳида бўлимлари киради.

Фойда солиғи тӯловчиларни соҳалар, тармоқлар бўйича, яхни саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, қурилиш, илмий ташкилотлар, воситачилик ташкилотлари ва ҳоказолар бўйича ҳам гурӯлаш мумкин.

Солик тӯловчилар фойда солиғи бўйича асосан тўғридан-тўғри ўзлари бюджет билан ҳисоблашадилар. Аммо марказлашган тартибда ҳам бюджет билан ҳисоблашадиган корхона, ташкилотлар ҳам мавжуд. Уларнинг рўйхатини республика Молия вазирлиги ҳар йили бюджетни тасдиқлаш пайтида белгилайди.

КОРХОНАЛАР ФОЙДАСИДАН ИНВЕСТИЦИЯГА САРФЛАСА, СОЛИҚДАН ҲАММА ИМТИЁЗ БОРМИ?

1996 йилдан бошлаб корхоналар фойдасидан инвестицияга сарфланса, яъни янги қурилишлар, ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва реконструкция қилишга ва шу мақсадлар учун олган кредитни қайтаришга сарфланган сумма соликка тортиладиган базадан юз фоиз камайтирилиши мумкин. Лекин ҳамма фойдадан бериладиган имтиёзлар имтиёзиз ҳисобланган солик суммасининг ярмидан ошиб кетмаслиги шарт.

ҲУСУСИЙ КОРХОНАЛАРГА ФОЙДА СОЛИФИДАН ҚАНДАЙ ҲАММА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ?

Ҳусусий корхоналар ҳам 1996 йилдан бошлаб фойдага солик тўлайдиган бўлди. Шунинг учун бу корхоналарга ҳам фойда солиғидан бериладиган ҳамма имтиёзлар тегишилди. Лекин ҳусусий корхоналар

қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарса ва қайта ишласа, ҳалқ истеъмол төварлари ҳамда қурилиш мәтериаллари ишлаб чиқарса, ташкил этилган кундан эътиборан икки йилга соликдан озод этилади.

Ё.АБДУЛЛАЕВ.

КОРХОНАЛАРНИНГ ҚАНДАЙ СОЛИҚЛИ ВА СОЛИҚСИЗ ТŪЛОВЛАРИ МАВЖУД?

Корхоналарнинг соликли тӯловлари таркиби ва структураси кўйидагicha:

Таркиби: Давлат бюджети умумий даромадидаги салмоғи, фоиз.

* Кўшилган қиймат солиғи; 22

* Фойда (даромад) солиғи; 25,6

* Акциз солиғи; 28,4

* Мол-мулк солиғи; 2

* Ер солиғи; 4

* Транспорт эгаларидан олинадиган солик; ...

* Кондан фойдаланганлиги учун солик; ...

Корхоналарнинг солиқсиз тӯловлари таркиби ва структураси кўйидагicha:

Таркиби: Давлат бюджети умумий даромадидаги салмоғи, фоиз.

* Божхона божи; 2,3

* Давлат божи; ...

* Сув ҳаки тӯлови; ...

* Бюджетдан ташқари фондга тўланадиган моддий-хомашё базасини тиклаш фондига ажратма; ...

* Иш ҳаки фондидан ижтимоий суурита фондига ажратма; ...

* Касаба ўюшмалари федерацияси кенгашига ажратма; ...

* Бандлик фондига ажратма ...

Соликли тӯловларнинг солиқсиз тӯловлардан фарқи шундаки, улар қатъий белгиланган бўлади ва узок давр ичидаги ўзгармасдан амал киласи.

Унинг ставкалари, обьекти ва бошқа кўрсаткичлари Олий Мажлис томонидан белгиланган бўлади.

Солиқсиз тӯловлар эса нисбатан кисқа муддатларга чиқарилган бўлади. Улар тез ўзгарувчан ва асосан давлат ташкилотларининг бажарган хизматлари учун ҳақ характеристига эга бўлади.

КОРХОНАЛАР ФОЙДАСИДАН ИЖТИМОИЙ СФЕРА ОБЪЕКTLARINI САҚЛАБ ТУРИШГА САРФЛАСА СОЛИҚДАН ҲАММА ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИ?

Корхоналарнинг фойда ҳисобидан ижтимоий сфера объектларини (болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, дам олиш уйлари, қариялар уйлари, мактаблар ва мактабгача болалар муассасалари ва бошқалар) сақлаб туршига сарфланган сумма смета ҳаражатлари атрофида соликка тортиладиган базадан камайтирилади. Демак, соликка тортилмайди. Мажаллий ҳокимлар белгилаб берган меъёр (смета ҳаражатлари)дан ошириб фойдадан ҳаражат қилинса, фойданинг бу қисми умумий тартиб билан соликка тортилади.

ТЕСТ



ЎЗБЕК ТИЛИДАН

Инсон тирик экан, ҳеч қачон умидсизланмаслиги керак!

Юқоридаги гапда тўлиқсиз феъл қайси туркумга оид сўз билан бирга қўлланган?

- a) от;
- в) равиш;
- с) сон;
- d) олмош;
- e) сифат.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАН

“Юлдузли тунлар” романидаги Бобурнинг садоқатли беклари:

- а) Хўжа Абдулла, Аҳмад Танбал;
- в) Қосимбек, Бойсунқур Мирзо;
- с) Хонқулибек, Мулла Фазлиддин;
- д) Хўжа Абдулла, Қосимбек;
- е) Узун Ҳасан, Аҳмад Танбал.

МАТЕМАТИКАДАН

Бир комбайн даладаги ҳосилни 15 соатда, бошқаси эса шу ҳосилни 10 соатда йигиб олиши мумкин. Иккала комбайн биргалиқда ҳосилни қанча соатда йигиб олиши мумкин?

- а) 7
- в) 8
- с) 5,5
- д) 5
- е) 6.

ТАРИХ БЎЙИЧА

1. Мустақил Ўзбекистоннинг ташки сиёсати қандай принципларга асосланган?

- а) куч ишлатмаслик, бошка давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- в) мустақил Ўзбекистон манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда халқаро хукуқнинг ҳамма қабул қилган принциплари ва нормаларини сақлаш;
- с) чегараларни бузмаслик, тортишувлар ва муаммоларни тинчлик йўли билан ҳал этиш;
- д) фақат А ва С;
- е) юқоридагиларнинг ҳаммаси.

Наботот саҳовати


ШОТУТ

Олимларнинг фикрича, шотут таркибида инсон саломатлиги учун зарур витаминалар, фойдалы кислоталар ва минерал тузлар, микроэлементлар ва углеводлар бор. У халқ табобатининг муҳим дориворларидан бўлиб, томир, қон босими, юрак, буйрак, ичак, ошқозон, томок, тиш, милк касалликларини даволашда ишлатилади.

Саноатда шотутдан турли кондитер маҳсулотлари, озиқ-овқат, дори-дармонлар олиш имкони бор.

Фойдали маслаҳат

Мурабболарни шиша ва чинни идишларга солиб, оғзини ёғлиқ-шилдироқ (пергамент) қофоз билан маҳкамлаб ёпиб, куруқ ва салқин жода сақланг. Бундай идишларга мураббо албатта совутилган ҳолда солинади, акс ҳолда мураббодаги мева идишнинг юзига қалқиб чиқиб қолади, қиёми эса чўкма ҳосил қиласди.



ҚЎЗЛАР ҲАМ ҲАФА БЎЛАДИ



КУЛГИ ДАРАХТИ

Яқин Шарқ мамлакатларида ўсуви бир ўсимлик борки, ўзига хос ажойиб хислати учун уни маҳаллий халқ “кулги дарахти” деб атайди. Дарахт паст бўйли ва кўримсиз; меваси ловиядек келади. Унинг мевасини еган киши қийқириб кула бошлади. Кулги дарахти кишига бир соатга ҳангома баҳш этади. Омади келмаган киши, иши юришмаган савдогар, овдан ўлжасиз қайтган овчи, тиш оғриғига дучор бўлган одам ёки оиласидан ранжиб чиқсан киши “кулги дарахти” мевасидан истеъмол қилиб, кўнглини ёзиши ҳам мумкин.



Номатлуб ходисалар, кўринишлар организмда салбий ўзарашларни юзага келтиради. Амир Хисрав Дехлавий айтишича, душманни (ёмон кишини) кўриш, хунук нарсаларга ва шунингдек нурга тикилиш кўз нурини кесади. Масалан, қишида ариқ ва анхорларда ахлат уюмларини кўриб киши хафа бўлади ёки жаҳли чиқади. ранг кути ўчади, юрак нотинч уради, шунда қўзлар филай ва катталашгандай туюлади. Қизариди ва ҳаттоқи қон қуолиб кетиши ҳам мумкин. Бу ҳаммаси қон таркибида буйрак устки безларининг шираси - адреналин (катастатлар) миқдорининг ҳаддан ошиб кетишиданadir. Адреналин томирларни қисади, қон босими ва ҳаттоқи кўз косасининг босими ҳам ошади, қорачиғ ёйилиб, кўз нури сусайиб кетади. Буни, сўз жоиз бўлса, қўзлар қайғуси деса бўлади. Бу холат халқ тилида “кўрмайин, куймайин” дейилади. Қўзлар қайғуга ботаверса, маъюс бўлаверса қариди ёки бирор дардга чалиниб қолиш ҳеч гап эмас. Фам-ташвиш, жаҳл-жаҳолатдан оқариб қолган соchlар, глаукомага (кўриш нервининг сўниши) чалинган қўзлар бор-ку, ахир.

ТОВОНУМ ЁРИЛМАСИН ДЕСАНГИЗ



Баъзи одамларнинг товони ёрилиб, териси куруқшаб юради. Товон ёрилмаслиги учун нима қилиш керак?

Агар товон териси куруқшаб ёрилса, шилинса, ёёқни ҳар куни бирмунча вақт иссиқ сувга солиб ўтириш тавсия этилади. Иссиқ сувга солиб ўтирилганда ёёқ ҳам яхши тозаланади, ҳам унда қон айланиши яхшиланади. Оёқ солиб ўтириладиган сувга ичимлик сода (1 литр сувга 1 ош қошик) ёки мойчечак (ромашка) дамламиаси (1 л сувга уч ош қошик) кўшиш яхши ёрдам беради. Товон шилинган бўлса, ярага инфекция тушмаслиги учун сувга ошловчи ва дезинфекцияловчи моддалар - календула дамламаси (1 л сувга 1 ош қошик), эман пўстлоги, га-

занда ўт ёки зубтурум (1 л сувга 2 ош қошикда майданган ўт солинади), марганцовкани нимтатир қилиб солса ҳам бўлади.

Оёқни сувдан олгандан кейин қуригунича артиб, “Старт”, “Атласный”, “Эффект” кремларининг бирор тасидан суртилади-да, оҳиста силанади. Қўл кафти ёки қўл бармоқларни сал букиб, юза томони билан ёёқ бармоқларидан товонга қарашиб силанади. Бундай силаш товонда қон айланишини яхшилайди, товон териси куриб қолмайдиган, шилинмайдиган, ёки бўлниши мумкин.

М.ОРИФЖОНОВА.

Маслаҳатхона

ПОЙАФЗАЛ ОЁҒИНГИЗНИ ҚУССА...

Агар оёқ кийимингиз оёғингизни бир оз қисса, уни кийишга шошилманд: оёғингизни “ялаб” қўйиши мумкин. Эскироқ сочиқ (ёки яхши хўлланадиган бирор қалин латта) олинг-да, уни қайноқ сувга ботиринг, сўнг сувини яхшилаб сиқиб ташланг. Энди поїафзалин ана шу иссиқ хўл сочиқка ўраб бир неча минут қолдиринг. Кейин латтани олиб ташлаб, туфлига ўсимлик ёғи суруб, бир кечакундуз сақланг. Ана, энди уни кийсангиз бўлади.



ЮВИЛГАН КИРНИ ҚУРИТИШ

Ювилган буюмлар ва кийимларни очик ҳавода қуритиш зарур. Шабада тегадиган жойга кир ёйичар қарон тортиб, унга ёйилган нарсаларни ёғоч ёки пластмасса қисиқ билан қисиб қўйган маъкул.

Қўпчилик қизлар тезроқ қурсин деб, кирни офтоб тифига ёядилар. Бу - укувсизлик белгиси. Чунки, буюм офтоб нурида “куяди” ва нозиклашиб, тез йиртиладиган бўлиб қолади. Ранги ўчиб оқшайди.

Қисқаси, ювиб чайилган кирларингизнинг ичини ағдариб, шабада, лекин соя-салқин ерда қуритишга ўрганинг.

Билиб қўйган яхши

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИДАГИ ВИТАМИНЛАР МИҚДОРИ

Маҳсулотлар номи	100 г маҳсулотдаги витаминлар миқдори (мг)				
	A	B1	B2	PP	C
Сут	0,10	0,05	0,17	0,08	1,0
Маскаёф	1,2	-	-	-	-
Сариёф	1,2	-	-	-	-
Пишлок (сир)	0,9	0,03	0,36	-	-
Тухум (1 донаси)	1,3	0,07	0,16	0,12	-
Картошка	0,02	0,07	0,04	5,5	10,0
Янги карам	0,02	0,14	0,07	4,5	30,0
Тузланган карам (намакоби билан)	0,02	0,02	0,07	0,3	20,0



ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ

Мактабимиз биноси жуда чиройли. Курувчилар уни энг охирги замонавий услугда кўркам қилиб қуришган. Керакли шартшароитлар назарда тутилган бундай муҳташам бинода ўкувчилар пухта билим олиб, хунар эгалламоқдалар. Ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол ва билимли қилиб тарбиялаш шу куннинг асосий талабидир. Бу масалалар "Таълим тўғрисидағи Конун" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури"да ҳам ўз аксими топган.

Барча жойларда бўлгани каби 81-ўрта мактабда ҳам ана шу Конун ва Миллий Дастурни амалга ошириш борасида кўплаб ишлар ва амалий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Бунда мактабнинг билимли ва малакали ўқитувчилари ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Мактабимизда турли хил мусобақалар, ўйинлар ва беллашувлар теззез ўтказиб турилади. Бундай тадбир ва беллашувларни ўтказиша информатика фани ўқитувчиси Нарзикулов Абдураҳим ака бош-кош бўлмоқдалар. Яқинда шу ўқитувчи ташаббуси билан Ургут тумани ўкувчилари ўртасида мактабларро "Чинор" ойнаи жаҳони "Маърифат ва маънавият" таҳририяти ҳамкорликда "Изла, ўйла, топ" руҳни остида "Ўзбекистон - ватаним маним" номли телевикторина ўйини бўлиб ўтди.

Беллашувда 33, 35 ва 1-ўрта мактабларнинг сараланган жамоалари ўзаро беллашдилар. Ўзбекистонимизнинг қадимиий тарихи унда яшаб ўтган ижодкорлар, ургутлик қаҳрамон жангчилар номларини зукколик билан топдилар. Бунда, айниқса, Акрамов Аббос, Ҳомидова Гулруҳ, Нарзикулов Жонибек, Сатторов Зайниддин, Исомиддинов Анвар каби ўкувчилар ўз билимларини кўрсатдилар. Ундан ташқари, томошабин ўкувчилар билан ҳам фан ва санъат бўйича қизиқарли саволлар берилиб, билимлари синаб кўрилди. Ушбу беллашувда 33-ўрта мактаб ўқитувчиси Исомиддинов Анвар ғолиб чиқди. Мактаб маъмурияти ва "Чинор" ойнаи жаҳони таҳририяти томонидан қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Бу тадбир Ургут тумани "Чинор" ойнаи жаҳони томонидан на-мойиш этилди ва бошқа мактабларда оммалаштирилмоқда. Ушбу беллашувдан мақсад ўкувчиларга Ўзбекистон тарихи, санъати, маданиятини ўргатиш ва қадимиий анъана-ларга қизиқиши уйғотишдан иборат. Беллашув ўкувчиларда катта таассурот қолдирди.

Мұхаббат НАРЗИҚУЛОВА,
Ургут тумани, 81-ўрта
мактабнинг она тили ва
адабиёти фани ўқитувчиси.

КЎПРИК

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Маълумки, ҳозирги пайтада ҳалқимиз бозор иқтисодига ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Қолаверса, ҳалқ маорифи тубдан ислоҳ қилинмоқда. Шундай экан, биз таълим берган ўкувчилар ҳаёт билан ҳамнафас бўлмоқлари даркор.

Шундай кунларда мен "Тонг ўлдузи" рўзномаси-

га илова сифатида чиқарилаётган "Ёш иқтисодчи"дан ниҳоятда мамнунман. Мен бу иловадан бошланғич синфлардаги ўқиш, она тили, математика дарсларимда ва тарбиявий соатларимда кенг фойдаланяпман. Дарсларимнинг самарали бўлишида, ўкувчиларимнинг

ҳозирги иқтисодни ўрганишларида "Ёш иқтисодчи" менга жуда кўл келмоқда. Шу билан бирга ўкувчиларимнинг матбуотга ҳам қизиқишилари ортиб боряпти.

**Жумагул ҚЎЧКОРОВА,
Андижон вилояти,
Марҳамат туманидаги
24-ўрта мактаб
бошланғич синф
муаллимаси.**

ТИЛСИМЛАНГАН ТЕПАЛИК

Ҳар бир масканнинг ўзига хос тарихи ва шу тарихига боғланган афсоналари мавжуд.

Мен сизга Марҳаматнинг афсонавий тепаликлари ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Агар йўлингиз тушиб, бизнинг мўъжазигина кўргонимизга ташриф буюрсангиз, бу ерда бир қизиқ нарсага дуч келасиз. У ҳам бўлса, Марҳаматнинг айнан аҳоли гавжум жойларida якка-якка қад кўтарган тепаликлари. Мингтепа, Лўмбитета, Алитепа, Жингиртепа шулар жумласидан.

Мингтепа ва Лўмбитета тарихий воқеалар гувоҳи саналса, Алитепа, Жингиртепа афсона билан боғлиқ тепаликлар ҳисобланади. Эмишки, қадим замонларда Али исмли ажойиб дорбоз яшаб ўтган экан. У иккита тепалик орасига, яъни Алитепа ва Жингиртепа дар тикиб, эрталабдан кечгача дар ўйнаркан (ваҳоланки бу тепаликлар ораси қариб 2-2,5 километрни ташкил қиласи). Бундан ташқари у дор устида туриб, одамларни турли хил хавф-хатардан огоҳ қиларкан. Масалан, ёғий бостириб келаётган бўлса, дарҳол уларга хабар бераркан. Шунинг учун Алитепа кейинчалик унинг номи билан аталган экан.

Энди Жингиртепа ҳақидагисини эши-тинг. Айтишларича, кечқурун бу тепаликнинг устига чиқиб ер тепсангиз, тепалик ичидан жингираган овоз эшитиларкан.

Бунинг сабаби - тепалик остига катта дошқондан тилла тилсимланган бўлиб,

уни баҳайбат аждар кўриқлаб ётармиш. Худди эртакка ўхшайди. Лекин олам сирсиноатга тўла.

Шу ерда бир ҳаёт ҳақиқатини эсламизга тўғри келади. Эсингизда бўлса, айнан мустақилликка эришган йилимиз Мингбулоқда нефть отилиб чиқсан. Гўёки бу билан Оллоҳ бизнинг мустақиллигимизга ўз совфасини юборгандек. Ҳар бир бўлажак воқеа-ҳодиса тилсимлангандек гап. Вақти-соати етмагунча ҳеч нарса юз бермайди. Демак, Мингбулоқ "тилсими"нинг очилиши ҳам бизнинг мустақиллигимиз билан боғланган, десак муболаға бўлмайди.

Хуллас, қадимда подшоҳлар ҳам ўз бойликларини авлодларига тилсимлаш йўли билан қолдиришар экан. Бунда улар ба-шоратчилар ёрдамида неchanчи пуштида қандай инсон тугилади, унга қандай исм кўйилади - ҳаммасини олдиндан билиб, улардан бирининг исмига ўз бойликларини тилсимларкан. Тилсим то ўзининг "соҳиби" келмагунча ҳеч кимга очилмас, йўқ бўлмас ҳам экан. У ўз соҳибини юз йилми, минг йилми, қанча вақт бўлса кутаркан.

Ажабо!

Балки, Жингиртепа ҳақидаги афсоналар ҳам ҳақиқатдир. Балки у ҳам яқин орада ўз соҳибига ўзини-ўзи намоён қиласи. Балки ўша бахти инсон замондошларимиздан бири бўлиб чиқар. Балки...

Биз афсонанинг ҳақиқатга айланишини интизорлик билан кутамиз.

Муқамбар ҲАЙДАРОВА.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

Ассалом севимли "Ёш иқтисодчи". Аҳволларинг яхшими? Мен сенга 2-марта хат юборялман. Биринчи марта "Кўпни кўриб фикр қил" мавзусига ёзувдим. Мана энди қизиқарли гаплардан тенгдошларимни хабардор қылгим келди.

Жанубий кореялик Ли Те Хвин яратган "Рабокук" деган робот кўймоқ пиширади. Тешигига танга ташланиши билан робот музлаттичдан тухум олади. Ҷақиб, товага ташлайди. Мижоз талабига қараб кўймоқ ё ёғда, ё шундоқ қовурилади. 20 секундаёқ таом ялтироқ қоғоз тақсимчада пластмасса санчиқ ва муз билан тортилади.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра одам бошидағи сочлар сони 10000 тадир.

Ҳар бир илдиздаги соч 4 ил мобайнида ўсаверади, агар у қайчилаб-қирқилмаса, тўклиб кетади.

Сочларнинг уч метр ва ундан ҳам узунлиги таажжубланарлидир. Бироқ бу алоҳида парвариш натижаси эмас.

Игорь Иванов деган кашфиётчи "тиш чўткаларининг қироли" деб тан олинган. Чунки у иккι юз хилга яқин чўтка яратган-да. Уларнинг кўриниши ҳар хил бўлсада, фойдаланишга кулади. Масалан, кўли ногиронлар учун махсус тайёрлангани оғизга солиб чайналса бас, тишини ўзи тозалаб қўяди.

Дарвоқе, шифокорлардан айримлари, тишини овқатланишдан аввал эмас, кейин тозалаган маъқул, деган Фикрдалар.

**Наргиза АБДУРАШИДОВА,
Сирдарё вилояти,
Гулистон шаҳри, Райхон кўчаси, 3-уй.**

МАҲСУЛОТИНГ ҲАҚИДА БОЛАЛАРГА АЙТ, ОЛАМГА ДОСТОН БЎЛАДИ!

ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ТАШКИЛОТЛАРИ, ФИРМАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

"ЎҚИТУВЧИ" НАШРИЁТИ 1998 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ

ўрта мактабларнинг 2-11 синфлари, академик лицейлар, гимназиялар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган барча турдаги дарсликлар ва қўлланмаларни

ОЧИҚ САВДОГА ЧИҚАРАДИ

ва уларга чекланмаган миқдорда

БҮЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бүюртмалар жаҳон андозаларига мос, ЮҚОРИ

СИФАТ билан

тайёрлаб берилади.

Тўловлар исталган турда.

МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР!

25 фоиз савдо чегирмаси билан дарслик ва қўлланмаларни биринчи қўлдан олишга шошилинг, бундан ўзингиз ҳам даромад олишингиз мумкин, хамёнингизга ҳам фойда!



Мурожаат учун манзил:

700129. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
"Ўқитувчи" нашриётининг "Савдо-тижорат бўлими".

Телефонлар: 144-22-92, 144-23-86. Факс: 144-26-89.

1998 — ОИЛА ЙИЛИ

ЭКАНИНИ УНУТМАНГ!

Абдулла ТУРДИЕВ:

“ЎЗИМНИ

МАЖБУР ҚИЛИН ЁЗОЛМАЙМАН”

Абдулла Турдиев Мавлон ўели - 1945 йилнинг 22 январида Самарқанд вилояти, Иштихон туманинга қарашли тогли Зарбанд қишлоғига туғилган.

1969 йили Тошкент журналистика факультетига ўқишига кирган. Айни чоғда университетнинг кўп нусхали газеталари - “Тошкент университети” ва “Журналист” да турли масъул вазифаларда ишлаган, бу газеталарнинг мұхаррир ўринбосари ва мұхаррири бўлган.

1991 йилнинг баҳоридан Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий газетаси - “Қишлоқ ҳаёти” да фаолият кўрсатиб келмоқда.

Онлари. Уч нафар фарзанднинг отаси. Тўнгич ўели Азамат Турдиев, рассом. Иккинчи фарзанди - Алишерсон Тошкент автомобиль йўллари институтининг 5-курсига ўтди. Кенжатой ўели Анварсон эса ҳарбий муқобил хизматни ўтаяпти.

Ҳам шоир, ҳам журналист акангиз Абдулла Турдиевнинг умр йўлдоши, яъни Моҳирахон онангиз ҳозир уй бекаси.

**Билгичларнинг
 билгуларига караганда,
 кадимулайёмда ахли
 фукаро икки тоифага
 ажратилган: “ахли
 калам” ва “ахли
 шамшир”. Жамият
 тарақкиётини шу икки
 тоифа фаолияти
 белгилаган.**

**Ўша даврлар
 инкишофида мазкур
 гурӯхларнинг кайси
 етакчи ўрин тутгану,
 кайси бири мундайрок
 маснадга эга бўлганлиги
 бизга коронку. Бирок,
 катта бир шонримизнинг
 эътирофича (биз ҳам шу
 фикрга эшмиз).**

Темур тифи етмаган жойни
 Калам билан олди Алишер.

**Энди, биз билгич
 эмасмиз. Ўтган
 кунларнинг паст-
 баландини ўтчашдан ҳам
 пархез тутамиз. Факат
 бугунги куннинг “ахли
 калам”ларидан бири,
 калами (яъни иншолари)
 билан Ўзбекистоннинг
 карибкни ҳамма жойини
(тўғрироғи, ҳалкнинг
 юрагини) “забт” этган
 бир киши хакида
 одмигина хикоя килиб
 беришга ниятландик,
 холос.**

**Одмигина хикоямиз
 сабабкори кўриниши
 одмигина, бирок
 истеъоди киборлар
 маснадидан ҳам юксак
 журналист,
 шоир Абдулла
 Турдиевлар.**

- **Абдулла ака, мусоҳаба-
 миз муддаоси сизга маълум.
 Болаларга журналистик
 касби, унинг оғири енгили,
 қувончу ташвиши ҳақида
 бироз бўлса-да, дарак бе-
 риш. Аввало, ёзув-чизувга
 қандай қилиб меҳрингиз
 тушгани хусусида бироз га-
 пириб берсангиз.**

- Мен Самарқанднинг Иштихониданман. Болалигим урушдан кейинги оғир йилларга тўғри келган. Қишлоғимиз мактаби шундокқина уйимиз бикинида эди. Энди, у пайтларда мактаб “тўртта хода, бир қоп сомон, бир арава қамиш” (А.Қаххор) эди, холос. Онам раҳматлик Бахмал Яссок қизи шу мактабда фаррошлиқ қилардилар. Мен уларга қарашардим. Мактабда “Ленин учкунни” (ҳозирги “Тонг юлдузи”), “Ёш ленинчи” (“Туркистон”), яна аллақанча газеталар тахланиб ётарди. Шуларни титкилашни яхши кўрардим. Бора-бора бу титкилаш ўрнини синчиклаб ўқиш эгаллади. Ҳар бир газетани бошидан охиригача бир сатр ҳам қолдирмай ўқиб чиқадиган бўлдим. У маҳаллар телевизор, радио йўқ. Бирдан бир эрмагим китобу газета бўлиб қолди. Аста-секин ўзимда ҳам ёзиш иштиёқи пайдо бўла бошлади. Бир-икки нарсаларни, тўғрироғи мақолани қоралаб, “ётаваккал” деб газеталарга жўнатдим. Бир куни “лоп” этиб туман газетасида ўзимнинг ёзганини ўқиб қолмайнми? Ўша пайтдаги севинчими сўз билан ифодалаб бериш қишин. Буни факат бошидан ўтказган ҳис килиши мумкин.

Шу тахлит, аста-секин менинг ёзганларим ҳам туман, вилоят, республи-

ка газеталарида босила бошлади. Қарабисизки, 14-15 ёшимда қип-қизил мухбирга айланибман-қолибман. Бу энди 60-йилларнинг гапи.

- **Шеърияятга иштиёқин-
 гиз қандай бошланган?**

- Қишлоғим - тогли Зарбанд дўппидеккина. Муассам қишу адирлар оғушида. Оқтоб тоғи этағида. Зарбандсой бор. Суви йилнинг тўрт фаслида ҳам тиник, шаффоғ. Булоқлар бисёр.

Қишлоғимиз дўппидеккина бўлса ҳам, ҳалқ оғзаки ижодининг нодир намуналари қайнаб-тошиб ётарди. Онамдан эшитган қўшиқлар, эртагу маталлар, достону ривоятлар қулоғимга кўрғошиндай ёпишиб қолган. Шеърияятга муҳаббатиминг илк турткисини ўша ҳалқ оҳанглари берган бўлса, ажаб эмас. Кейин замондош шоирларимиз, қишлоғимиздан ўша даврда чиқсан шоирлар, хусусан акам Тошпўлат Мавлоновнинг шеърлари таъсирида, улардан улги олиб, бир-икки сатрларни чийлай бошладим.


- **Илк ёзган шеърингизни
 эслайсизми?**

- Албатта. Бу шеър қишлоғимизга бағишиланган эди. Мана ўша сатрлар: Адир ошиб, қир ошиб,
 Чиқдим тонгнинг устига.
 Тўймай бокдим чўққидан -
 Қишлоғимнинг хуснига...

Навоий бобомиз айтганидек “қоғиясида айғи-наси бор” бўлса ҳам, ўша пок, самимий туйғулар меваси сифатида бу сатрлар менга жуда қадрли. Ҳеч ёдимдан кўтарилимаслигининг ҳам боиси шундан.

Очиғи, мен шеърнинг машқини жуда кўп олганиман. Ёшлик пайтларим,

КАСБЛАР ОЛАМИДА



ша бир қадам олдин юриши керак.

Фаолиятингиз билан боелиқ қизиқ воқеалар ҳам содир бўлганми?

- 10-синфда ўқиб юрган кезларим. Вилоят газетасида ишлари суст, фўзлари пачоқ бир бригадирни фельтон қилиб чиқдим. Бригадир ҳам қанақа денгшоп мўйлов, шер келбат, бўйи ҳам азим терақдай. Хуллас, “Синчалак”даги Қаландаровнинг нақ ўзи.

Алоҳа, мақола чиқиб кетди. Томоша шундан кейин бошланди. У мени катта одам бўлса керак, деб ўйлаб юрган экан. Кимдантир суриштириб, ўқувчилигимни билибди шекилли, важоҳат билан мактабга бостириб келди. “Кўрсат манга ўша муҳбирингни” дея наъра тортган экан, қайси бири довдираб Ўринбой деган синфдош дўстимни кўрсатиб юборибди. У ҳам ёзид турарди-да (ҳозир марҳум... илоё, жойи жаннатда бўлсин!). Бу ёғи “сичқон-мушук” бошланди. Ўринбой қочади, бригадир қувади. Барзанги бир кимсанинг жимитдай болани қувашини кўз олдингизга келтираверинг. Ишқилиб, хўп томоша бўлган. Дарвоҷе, шўрлик Ўринбой нега бу одам дабдурустдан уни қуваётганини англаб етмаган. “Куваяптими, қочиши керак” деб қочаверган. “Қочаяптими, демак иллати бор” деб бригадир ҳам қуваверган.

**Бўлажак журналисти-
 ларга қандай истакларингиз
 бор?**

- Ўқиш, мутолаа, машқ. Журналист - сўз санъаткори. Шу боис, ўзбек тилининг тубсиз уммонидан кўпроқ баҳра олишлари, унинг ноёб дуру гавҳарларидан баҳраманд бўлишларини истардим.

Азиз болалар! Куйидаги икки қатор шеърни тугатиб, бизга ёзид юборинг. Шеърни энг яхши тугатган учта ўқувчи учун Абдулла акангизнинг маҳсус совғалири бор. Демак, мана шу икки сатр:

**Ватан - никол... Бизлар ундан
 Нишонамиз.**



ТЕКИСЛИК НИМА?

Текислик дарахтлари бўлмаган ва ўт-ўланлар билан қопланган катта худудидир.

У Ер юзасининг кўп тарқалган рельеф кўринишларидан биридир. Текислик, одатда, иқлими жуда иссиқ ёки ёғингарчиллик миқдори йил бўйи 400 мм (2 дюйм)дан ошмайдиган жойларда учрайди.

Катта текисликлар, асосан, Шарқий Европа, Марказий Осиё, Жанубий Африка, шунингдек Америка-да мавжуд.

Текислик Осиёда чўл, Шимолий Америкада пре-рия, Жанубий Америкада пампас, Африка-да саванна деб аталади.

Табиат ўт-ўланларга бой текисликларни туёкли ҳайвонларга мўлжаллаб яратган. Инсон улардан чорвани боқиш учун фойдаланади.

Қадим замонлардан бери текисликларда қора ва ушоқ моллар ўтлаб юради. Ҳеч ким уларни бокмайди. Улар емишини ўзлари ахтариб топади. Инсон уларни йиртқичлардан кўриса, суфориб турса бўлгани.

Чорва молларидан сут ва гўшт билан бир қаторда тери ва жун ҳам олинади. Теридан ҳар хил чарм буюмлар, оёқ кийимлари тайёрланади.

Бугунги ерни қайта ишлаш технологияси текисликлардан турли мақсадларда фойдаланиш имконини беради.

Инсон ирригация (қазилган каналлар ва ётқизилган қувурлар) ёрдамида дон экинлари, аввало, ғалла етишириш учун текисликларда дала-лар тузса бошлади.

Бундай технологиядан, асосан, Россия, Қозоғистон ва АҚШнинг жануби-ғарбida фойдаланилади.

ЖАЙРА ИГНАСИНИ ОТАДИМИ?

Жайра фанимiga игнаси ни отади. Бу таҳлитга немис зоологи Дате ва унинг ходимлари Берлиндаги ҳайвонот боғида жайранинг игналарини зўр куч билан отганини ўз кўзлари билан кўришиди. Игналар учуб бориб ёғоч планкаларга қадалган.

Игналарнинг катта куч билан отилишига ҳар инганинг асосини ўраб турган халқасимон мускулларнинг бирданига қисқариши сабаб бўлса керак.

Ер юзасидан 20-25 км ба-ландлиқдаги стратосферада озон қатлами жойлашган. У барча тирик мавжудотни коинотдан келаётган зарарли нурлардан ҳимоя қиласди. Агар озон қатлами бўлмаганида, Күёш бутун сайёрани кўйдириб юборган бўлар эди. Энди озон "кўйлаги" тўсатдан йиртила бошлага-нини тасаввур қилиб кўринг...

Кейинги пайтларда озон қатламида туйнуклар пайдо бўла бошлади. Албатта, қатламнинг юпқалашиб қолган ерларини ҳалитдан йиртиклар деб бўлмайди, аммо у инсониятга баҳт келтирмаслиги аниқ. Мутахассислар озон қатламида бир туйнук Жанубий кўтб, бошқа кичикроғи эса Арктикада, Швицберген устида пайдо бўлганини қайд этишди.

Хўш, туйнуклар нега пайдо бўлади? Уларни аэроздолли қадоқлашда, холо-


дильник ва кондиционерларда фойдаланиш натижасида атмосферага чиқадиган хлорли ва фторли углеводородлар ҳосил қиласди. Бу газлар Ер стратосфе-

рига кўтарилиб, у ерда узок муддат сақланиб қолади ва аста-секин озон қатламини килограммлаб, тонналаб емира бошлади. Озон қатламининг емирилиши даҳ-

ЕРДАН КЎРИНАДИГАН

ЭНГ ЁРҚИН САЙЁРА ҚАЙСИ?

Ердан кўринадиган сайёralарнинг энг ёрқини Венера - Чўлпондир. Чўлпоннинг катталиги Ерники билан бир хил, унинг юзасида ҳам тоғлар ва саҳролар бор. Унинг атмосфераси заҳарли карбонат ангидрид газидан иборат. Ушбу газ шу даражада зички, ўзига келаётган иссиқлики тутиб қолади ва сайёра юзасини жуда қизитиб юборади. Чўлпон Күёш системасидаги сайёralарга қарама-қарши йўналишда айланади. Бунинг маъноси шуки, Күёш у ерда Фардан чиқиб Шарққа ботади.



ҚУШЛАР НИМА УЧУН САЙРАЙДИ?

Қушларнинг товуш чиқариш аъзолари бизнидан сал ажралиб турди. Одамнинг товушлоғич пайчалари нафас чиқарадиган бўғзи устидаги ҳиқилдоқда жойлашган. Қушларнинг оддий мемброналари нафас олиш найчасининг кўйи қисмида жойлашган бўлиб, кўйи бўғиз деб аталади. Бу мембрана пирпираб турди.

Айнан кўйи бўғизнинг шакли, мемброналарни ҳаракатга келтирадиган мушаклар сонининг ҳар хиллиги қушларнинг турлича сайрашига сабаб бўлган.

Қушлар сайрашдан ташқари бошқа товушлар ҳам чиқаради. Улар бир-бирини тушунадиган қичқириклар, сигналлар, безовталик товушлари беради.

Агар уяси ёнида илон пайдо бўлиб қолса, қуш безовталик сигналини беради. Мана шу сигналга қараб, қушлар галаси кўмак бергани учуб келади. Қушлар йил бўйи турли сигнал ва товушлардан фойдаланади, кўпайиш пайти эса сайрайди.


Қушлар сайроғи жарангдорлиги, оҳанг ва сифати билан ажралиб турди. "Росмана" кўйлаш борасидаги биринчиликни қораялоқ ҳеч қайсисига бермайди.

Қушлар сайроғи ёрдамида якинлашаётган душманларини бу ернинг хўжайини ўзлари эканидан огоҳлантириб қўяди.

Агар хўжайнинларини қувиб ҳайдамаса, бошқа биронта қуш уларнинг жойига эгалик қиломайди. Боскинчини кўрқитиш учун сайроқ кучаяди, бу ҳам фойда бермаса, хўжумга ўтади.

Айниқса, на одам, на ҳайвон якинлаша оладиган уялар атрофи диккат билан кўриқланади.

НЕГА ЕРНИНГ ОЗОН „КЎЙЛАГИ“ ЙИРТИЛИБ БОРМОҚДА?



шатли оқибатларга олиб келади: атмосферада фильтрланмай Ерга етиб келган ультрабинафша нурлар ўсимликлар, денгиз майда жониворларини (масалан, денгизда яшовчи кўпгина катта жониворлар учун озуқа бўлган планктонларни) қира бошлади. Энг асосийси, одамлардаги турли касалликларга, шу жумладан, тери ракига сабабчи бўлади.

Инсоният бошқа ишқорли ёмғирлар ва парник эфекти сингари унча йирик бўлмаган муаммолардан фарқли ўлароқ, озон туйнуклари масаласида бир тўхтамга кела олди. Бугунги кунда, гарчи ҳамма мамлакатлар қўл кўймаган бўлсада, 1998 йилга бориб озон кушандаси бўлмиш хлорли ва форли углеводородлардан фойдаланиши тақиқлаш тўғрисидаги Халқаро битим амал қилмоқда.

ҲАЙВОЛAR ДУМИ БИЛАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНАДИ?

Дум аксарият ҳайвонларнинг яккаю ягона куролидир. Қора денгизда ғалати маҳлук - думи ингичка, япалоқ балиқ ёки денгиз мушуги яшайди. Бу балиқлар зоҳирлан катта дастали-думли товага ўхшайди. Думғазаси тагидан узун, яssi, четлари кертикланган ва найзадай ўткир тиканак ўсиб чиқади. Денгиз мушуги хавфли вазиятларда думи билан кутуриб савалайди ва "найзаси" билан жароҳат етказади.


Әгридум балиқлар - мешқорни таши пичоқнинг ўткир тигидай зирҳ билан ҳимояланган, гавдаси чиройли майдада маҳлук. Шу боис унинг устара деган иккинчи номи ҳам бор. Ортида дум сувгичи ўрнига мешқорни томон эгилиб турувчи тиканак ўсиб чиқсан. Атроф осойишта бўлган чоғларда балиқчалар бошини эгиб секин сузади, иттифоқо душман чиқиб қолса, тиканаги ва зирҳ тифини у томонга буради.

Үрта Осиё чўл ва саҳроларида яшайдиган йирик калтакесаклар - эчкиэмлар йиртқични думи билан савалаб, ўзини ҳимоя қиласди. Зарбаси сувкни синдирадиган даражада кучли. Ҳўқизлар, отлар, зебралар, эшаклар, антилопалар ҳатто баҳайбат филлар, пашша, чивин, майда чивин, сўна ва бошқа ҳашаротлардан ўзларини думи ёрдамида ҳимоя қиласди. Ҳашаротлар роса хиралик килаётган пайти Пржевальский оти ўзини чир айланиб мудофаа этади, майда тажовузкорлар қуршовида туриб, думини силкитаверади.

Майда жониворлар йиртқичлар чангалига тушиб қолганларида "эҳсон бериб кутилишга" ҳаракат киладилар. Бундай вазиятда калтакесаклар ва ер саламандрлари маҳсус мушакларини таранглаштириб, думғазаси тагидаги бўғимлардан бирини ўзиб ташлайди. Тажовузкор инглаётган бўғимдани талвасага тушиб колади, унинг эгаси эса қочишга киришади. Бу тур ҳайвонларда думдан айрилиш қайгули эмас, чунки у яна ўсиб чиқади. Бордию йиртқич сичқоннинг думидан тутиб олса, унинг хафа бўлиб ўтиришига ҳожат қолмайди. Сийрак тукли дум териси осон, худди пайлок мисоли думдан ажралиб тушади ва душман оғзида қолади, сичқон эса думсиз жуфтак ростлаб қолади. Тери қайта ўсиб чиқмайди, думининг ялангоч қолган учун куриб тушади. Ахир думсиз ҳам яшаш мумкин-да!



ЯНА ТАМАГОЧИ ҮЙИНЧОГУ ҲАҚИДА...



"Жони бор үйинчоқ" - тамагочини яратган японияликларнинг ўзлари ҳам бу худбин үйинчоқдан бозор. Тўғри, аввал-бошида бу антика үйинчоққа японлар ҳам, унинг даргини эшитган бошқа мамлакатларнинг халқлари ҳам маҳлиё бўлиб қолишганди. Тамагочининг шуҳрати ўтган йилларда дунё бўйлаб бекиёс даражада шуҳрат топди.

Лекин бу худбин "болакай" одамдан бошқа ҳамма ишларини иғифишириб кўйиб, доимо ўзига эътибор берини талаб килиши бора-бора болаларни ҳам, ота-оналарни ҳам ўйлантириб кўиди. Ахир тамагочига муттасил эътибор берини зарур: уни вақтида овқатлантириш, ўйнатиш, сухбатлашиш, саволларига жавоб берин, сайдга олиб чиқиш, ҳатто вақтида тўсиб туриш шарт. Бу каби фамхўрликлардан бирортаси бирон дакиқа кечикса ҳам, тамагочи "бала бечора" ўша заҳоти ҳалок бўлади.

Электрон боласидан ажралиб қолмай деб, бутун диккат-эътиборини тамагочига берган кўпгина кишилар хаётда турли ҳалокатларга учрашмоқда. Масалан, яқинда Марсельда автомобиль ҳайдовчиси тамагочига овра бўлиб, велосипедда келаётган икки кишини машинаси билан уриб юборди. Натижада 2 бегуноҳ тирик одам нобуд бўлди. Ҳа, умрнинг қотили, аслида ўша митти электрон бола - инжиқ тамагочи бўлди!

БОШИГА - БОЛҒА БИЛАН

Ҳа, худбин бу электрон болакайга нисбатан қанақадир бир жазо чорасини ўйлаб топиш зарурлиги аллақачон аён бўлган. Бу худбин "болакай" ўзининг тўхтовсиз талаблари билан ўз эгасининг шахсий ҳаётини бутунлай издан чиқариб юборади. Охир оқибатда ўйинчоқ эгаси руҳан қаттиқ чарчайди, ҳатто руҳий касалликка чалинмоқда. Бундан безор бўлган кишилар бола-тамагочининг узлуксиз сиғнал-талабларига жавобан унинг бошига болға билан тушириб, "болакай"нинг унини ўчирадиган бўлишиди. Лекин ҳамма ҳам бегуноҳ "гўдак"ни болға билан уриб, уни "ўлдириб" қўйишга қодир эмас. Ахир "тамагочи" электрон бўлса ҳам, барибири "бала". Одамнинг кўнгли бўлмайди бундай бешафқатликка. Бироқ илм-фан бунинг ҳам иложини топди: тамагочи нимани истаса, унинг эҳтиёжини қондирадиган тугмача (кнопка) яратилди. Энди "болакай" нима сўраса, ўша талаб жавобига мос тугмача босилса, бас!


Бу кашфиёт, аҳмоқликнинг ўзи, албатта. Лекин энди тамагочи эгаси ўқиши ёки ухлаб дам олишига имкон яратилди.

ҲАВОНИ ЙЎЛ ТОЗАЛАЙДИ

Маълумки, атроф-муҳитни булғовчи энг зарарли восита бу - автомобиллардвигателидан чиқадиган заҳарли газлар ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилувчилар, ДАН ходимлари қанча ҳарарат қилишмасин, дунёда об-ҳаво заҳарланиши даражаси ортиб

бораётir. Инсоният саломатлиги учун ҳатарли бу ҳолатга чек кўйиш учун автомобиль муҳандислари янгидан-янги автомобиль турларини яратмоқдалар.

Яқинда бу хайрли ишга йўлсозлар ҳам ўз хиссаларини кўшидилар. Япониялик олим-



ШАЙТОН - ОДАМ ҚИЁФАСИДА ҲАМ БЎЛИШИ МУМКИН

Чет элда "Шайтон оқловчиси" номли бадиий фильм экранга чиқди. Фильмдаги шайтон ролини ўйнашни Аль Пачинога таклиф этишди. Пачино шайтон образини яратишга аввал кўнмади, чунки у болалигидан бошлаб қаттиқ диний таълим олиб ўсганди. Тўғри, болалиги-

да шайтон ҳақида ҳам эшитган: ахир шайтон худо буюрган жами яхши, хайрли ишларни барбод этувчи маҳлук саналади. Янада аниқроқ қилиб айтганда у яратганинг измига қарама-қарши куч деб тан олинган.


Бунинг устига, шай-

тон тўғрисида тушунчалар бор бўлгани билан, унинг қанақа эканини гавдалантирган бирорта асар йўқ. Ибрат оладиган образ йўқ! Худди мана шу ҳолат, яхши ҳалигача ҳақиқий шайтон образининг яратилмаганни актёрга кўл келди. У шайтон

қанақа қиёфали, қандай табиатли, қанақа феъл-атворли бўлиши мумкинлигини ўзи ижод қилиши имкони бор эди. Пачинога мана шу эркинлик аскотди.

Аль Пачино шайтон образини одам қиёфасида яратди. Ҳа-да, ҳаётда сирти - одам, ичи - шайтонлар озми?!

КОМПЬЮТЕРЛАШГАН ХОНАДОНЛАРДАГИ АНТИҚА ТАРТИБ



Ривожланган мамлакатларда ўлар янги асрнинг бошидаёқ тўлиқ компььютерлашади. Электрон "уй эгалари" истиқомат қилувчиларни кун тартибидан огоҳлантириб турди. Ўйда тозалик ва тартибни саклайди, овқат пиширишда ёрдамлашади ва ҳоказо.

Тараққийлаштирилган компььютер ўй соҳибини уйдан чиқмаган ҳолда ҳам бемалол меҳнат қилишини таъминлайди.

ҚАЛБ КЎЗИ



Таникли француз адаби Антуан де Сент-Экзюпери (1900-1944 йилларнинг кашиб учувчилик бўлган). Лекин "Мен учун учиш билан ўзи бир-биридан ажратиб бўлмайдиган, ягона машгулот, - деганди Экзюпери. - Муҳими ҳаракат қилиш, машқни тўхтатмаслик ва маҳоратни ошириб бориши". Яхшилик тантанаси, одамлар олдиди инсонларга нисбатан маъсъиятияни хис этиш каби гоялар Экзюперининг "Тунги учиш", "Одамлар Ери", "Ҳарбий учувчи" сингари асарларининг асосини ташкил этади. Адаб иккичи жаҳон уруши даврида ҳаво разведкачиси бўлиб фаолият кўрсатган. У фашистларга қарши мардона курашган. Қўп марта жароҳатланган Экзюперини ҳарбий хизматдан озод этадилар. Бироқ, жасур учувчи яна бир неча марта жангвар училарга руҳсат олади ва ўрта ер денгизи устидаги жангларда ҳалок бўлади.

Сент-Экзюперининг "Кичик шаҳзода" деб номланган мажозий эртаги муаллифнинг қаҳрамонона вафотидан бир неча ой ўтгач нашрдан чиқади. Ерда Донишманд Тулки Кичик шаҳзодага ҳақиқий дўстлик ва муҳаббат қанақа бўлишини тушунтириб беради. Унинг таъқидлашича, энг муҳим жиҳатларни кўз илғамайди, балки уни фақат қалб кўзи билан кўрилади. Бу ёқимтой эртак шоирона образлар воситасида тўқилган. Унда катта ўшдаги кишиларнинг қотган, рангиз руҳий оламига қарама-қарши ўлароқ болаларнинг жўшқин, рангин қалб дунёси очиб берилган. Қиссанинг бошидан охиригача ҳамма нарсага нисбатан "Болаларча нигоҳ" хукмрон. Ўзга сайёрадан ерга келиб қолган Кичик шаҳзода - демак, Сент Экзюпери - доимо дунёга "Қалб кўзи" билан қарайди.

ТОПШИРИКЛАР:

1. Болалар кўрган нарсаларни катталар кўра олмайдилар. Китоб бошида муаллиф бир воқеани эслайди, яъни олти яшарлик даврида ўзи чизган расм кўзичоқ эканига кичик шаҳзодани ҳеч ҳам ишонтира олмади: суратдаги кўй ё жуда қари ёки жуда бўшанг қиёфада чиқаверади. Ва ниҳоят учувчи қандай қилиб "кўзичоқ" чизнагига ишонтира олди.

2. Экзюпери ўзининг "Кичик шаҳзода" сига ўзи расмлар чизиб bezagand. Кичик шаҳзода чўлда учувчига: "Менга кўзичоқ расмини чизиб бер! дейди. Бироқ, учувчи чизган расм кўзичоқ эканига кичик шаҳзодани ҳеч ҳам ишонтира олмади: суратдаги кўй ё жуда қари ёки жуда бўшанг қиёфада чиқаверади. Ва ниҳоят учувчи қандай қилиб "кўзичоқ" чизнагига ишонтира олди?

3. Донишманд Тулки Кичик шаҳзодага бир ақли гап айтади. Агар ана шу гапга амал қилинса, дунёда аразга ҳам, қайғуга ҳам ўрин қолмайди. Бу гап "уларга жавобан биз..." жумласи билан тутайди. Ана шу гапни эслай оласизми?



ҮЙИН МАЙДОНЧАСИ

“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА
МАКТУБЛАРИНГИЗНИ
КҮЙИДАГИ МАНЗИЛГА
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029, Тошкент шаҳри,
Мустакиллик майдони,
2-йи, 402-хона
(Музаффар Пирматов).

Мулокот учун телефон:
(371) 139-49-32,
139-16-19.
Факс: (371) 139-48-23.


САЁХАТ




“А” пункттдан “Б”
пунктга барча думалоқ
“фор”ларга кириб чиқсан
холда етиб бо-
ринг. “фор”ларга
икки марта кириш
мүмкін эмас.

ҚОРАДАН ОҚКА

Бешта
квадратни
шундай
штрихланг-ки,
расмдаги шакл
бир хил
шаклдаги бешта
қисмга
ажралсın.




ҮТ ЎЧИРИШ ШЛАНГИ




Ҳар бир шланг уланиш жойида учта клапанга эга. Иложи
борича камроқ клапанларни очиши өзөнгө насосдан шланг учига
сув юборинг. Расимда барча клапанлар ёпик.

СЕХРЛІ ЮЛДУЗЛАР




Юлдузларга етишмайдыган рақамларни (1 дан 8 гача) шундай
қүйиб чиқынгки, ҳар бир қатордаги учта юлдуздаги рақамлар
микдори ўн бешга тенг бўлсин.

РАҚАМЛЫ КОИНОТ



Ушбу коинот лабиринтида 37 юлдуз мавжуд. Улардан олтитаси рақамга эга ва сизнинг юлдузлараро саёхатингиз йўналишини белгилаб беради. 1 рақамли юлдуздан ҳаракатингизни бошланг ва тартиб рақами бўйлаб ҳаракатни давом эттиринг, то 37 рақамигача. Битта юлдузга икки марта ўтиш мүмкін эмас.


ТҮГРИ БУРЧАКЛАР ТУГУНИ



Ҳар бир тўғри бурчакни “А” ҳарфидан “К”
гача белгилаб чиқынг. Бунда қўйидаги маъ-
лумотлардан фойдаланинг.

- А Г ва Д га жойлашади.
- Б Д ва Е га жойлашади.
- В Г, Ж ва И га жойлашади.
- Г А, В ва Е га жойлашади.
- Д А, Б ва З га жойлашади.
- Е Б, Г ва Ж га жойлашади.
- Ж В, Е ва К га жойлашади.
- З Д ва И га жойлашади.
- И В, З ва К га жойлашади.
- К Ж ва И га жойлашади.

5 БУРНИ



Лабиринт бўйлаб, барча олти нуқтани
йўғон чизик билан бирлаштирган холда
ўтинг. Ҳар бир коридор бўйлаб фақат бир
марта ўтиш мүмкін. Йўлингизни бир боши
берк нуқтадан бошлаб, худди шундай жой-
да тугатасиз.

ФАРОЙИБ ОЛАМ ДОСТОНИ.

ЦИРКНИ СЕВМАГАН КИМ БОР?

Циркни ким севмайди?

Масҳарабознинг ишак узиади ҳазиллари-

АРАБОЗЛАРИ КАБИ ЖУДА ҚИЗИҚ: ПУЛАТ ИЗ-
ЛАРДАН ЮРМАЙДИ,

**ни эшишиб,
енгиза одимили,
чаққон ва афсо-
навий ақработлару
зукко күз бойлогичлар-
нинг афсунларидан ма-
роқланмаган кимса
борми оламда?**

**Айниқса уй-хайвон-
ларидан тортиб, ёрмон
ва саҳро беклари—вах-
ший хайвонларгача
ўргатиб, уларни
ё тириз иб**

тушган по-
чекасида тўхтади
тўхтаган отни негадир яна
Эҳтимол фикри ўзгаргандир?

Эҳтимол, бошка манзиларни кўзлагандир?
Лекин вагончалар жойидан жилмади. Сабаби,
катта қизил от ўша манзилни яхши кўриб қолди.

Аввал атрофга бир-бир назар ташлашди,
сўнгра артистлар хам вагончалардан таппа-тап-
па туша бошлишди.

Атрофда пастқам ва баъзан баланд уйлар,
уйлардан маъраган, кўйлар, кичкирган хўролар-
нинг овозлари...

Атрофни одамлар ўраб олишди. Айниқса бола-
лар кўпга ўхшайди.

Цирк келганидан бехабарлари ҳам, хабардорла-
ри ҳам тўп-тўпга ўхшайди.

Артистлар афишаларни ёпишири бошлишди.
Тайёрланиш учун жой танлаб бироз бошларини
ҳам кашлашди. Каттиқ кўл Юсуф тоға бу
сайхонликда қолиб томоша кўрсатишига
кўнди.

Сабаби борга ўхшайди. Бу
ердагилар хақиқатдан та-
мошага зорга ўхшай-
ди.

**Ҳамма
артистлар
тонг би-
лан, чали-
нажак
боинг би-
лан ўйин-
ларгатай-
ё рлан и
кетди. Ле-
кин чақ-
қон ва уд-
дабурон
жонглёр-
нинг кўнгли гаш**

эди.
**Вахший хай-
вонлари
ўргата бил-
майди, қоп-
лон ва шер-
ларни ўйна-**

тиб кўнгли тўлмайди.

Сакрасайди, улар жойглёрнинг
сўзига кириб,
ингичка арқонлардан беришса
юриб!

Одамлар унга гуллар тутсайди,
Гулларни кўтариб ўтсайди тўппа-
тўгри Навнидолнинг олдига!

Унга гулларни тутсайди одам-
ларнинг олдига!

Шаҳарчанинг одамлари тонгда тўплан-
дилар. Катталардан болакайлар кўп эди-
лар. Ҳатто улар артистларнинг олдига
кириб кетишиди. Бироз хафа этиши...

Охири ўйин бошлиди.

Энг биринчи «десант» саҳнага ташлан-
ди.

**БУ - МАСҲАРАБОЗ ЭДИ
УНИНГ ЮЗЛАРИДА ПАРДОЗ**

Эди. Үйнашни
ҳам биларди,
кўзбойлор-
чилик ҳам
киларди.
Хазилларга
уста у, таш-
вишларнинг
йўлини топ-
ди-ку!

Ҳамма кулди,
у кулмади.

Балки қасби шундай, билма-
дим...

Шу пайт нозик овозли фижжак чалинди, ҳамма
кула бошлади. Нозик Новниҳол копток устида
ўйнай бошлади. Бирам чиройли кўйлаклари
унинг... Бирам гўзал билаклари унинг, сочлари-
га эса оппоқ капалак кўни олиди.

Навниҳолнинг кўзлари бирам чиройли!
Томошибинлар ҳам унга боғланиб қолишиди.

Жонглёр кўринди.

**Томошибинларнинг ҳаёли бўлинди,
у турли рангли шарчаларни ота бош-
лади.**

**Ажабо, шарчалар ерга тушмай жонг-
лёрнинг қўялларига қайта бошлади.**

Бу шарчалар сеҳрлимикан?

Жонглёрга шунчалар маҳкуммикан?

**Кимки ҳаракат қиласа, ҳаракатини
ақлни шилатиб билса-чаққон бўлади.**

Жанглёрдек олқиши олиб дилдан кулади.

Ҳа-ҳа, жонглёр кулди!

**Чунки бу кулгуга сабаб бир мўжиза
бўлди!**

**Шарчалар бир-бирига уланни б
эшишакка айланди.**

Эшишакми десак

отга ўхшаб сакрашга шайланди.

Отми десак

қоплон бўлиб кўринди,

баъзиларни хуркитди.

Хуллас, жон кирди ҳамма шарчага.

**Шарчалар эгилиб салом берди барча-
га!!!**

Ёз келди.

Иситиб, димиқтирадиган шамоллар елди.

Ўқувчиларнинг охирги қўнғироғи чалинди-
канкул бошлиди.

Циркчилар йўлга отланди.

Улар самолётда учишмади.

Машинага тушишмади,

поездга чиқишиди.

Поезд эса темир издан юрмайди.

Йўл бошчи сигналига қараб турмайди, балки
катта от тортади уни.

Вагончаларга истаганини ортади.

Вахший хайвонлар ҳам бор, унда, масҳарабоз

жонглёрлар ёр унга...

**Энди бу ёги олам шумул ва гаройиб
бўлади!**

**Цирк бизнинг фаслимизда ҳамнафас
дўстдир.**

**Яқин кунларда цирк
сизнинг юртингизга ҳам кириб бор-
са ажаб эмас. Сиз уни кутинг.**

КУМУШ

ргизадиган, рақсга тушуниб, керак бўлса
бир оёқга юргизадиган хайвон ўргатувчи-
ларининг маҳорат ва матонатларига
кимлар қўшила қолмаган дейсиз?

Келинг, цирк оламига саёҳат қўламиз:

Жонглёрнинг галабаси.

Ез фасликели.

Иссиқ шамоллар елди.

Биринчи синф ўқувчиларининг,

МАКТАБ БИТИРУВИЛАРИНИНГ ОХИРГИ

Қўнғироғи чалинди.

Бундан ҳабардор цирк бошлиги Юсуф

тоға саёҳатга отланди.

У бошлиқ цирк усталари самалётда

учишмади.

Машиналарга тушишмади, балки по-

ездга чиқишиди. Бу поезд ҳам цирк масх-



«ҲА-ҲА-ҲА» ЧИЛАР ХАНДА УЛАШАДИ

Азиз болажонлар, Узбекистон телевидениеси «Болалар» Бош мұхарриятининг «Ҳа-ҳа-ҳа» (Ҳазил, Ҳажв, Ҳангома) кичик студияси Тошкент шаҳридаги Мирзо Улугбек номли маданият ва истироҳат бори маъмурияти билан ҳамкорликда кичкинот күлгусеварлар учун маҳсус тұғарак машгулолари ташкил эттанидан газетамиз орқали хабардорсиз.

Буғун сиз Тұдан ака Құзібоев устозлар қилаёттан ана шу тұғарак иштирокчилари ижод эттан нишона-култи куртакла-ри билан танишасиз.

«ТОПДИМ»

(тақлид)

Топдим, топдим,
топдим мен,
Суюнчига чопдим мен.
Мошкичиридан мош топдим,
Тош ийүидан тош топдим.
Холтайтардан гишт
топдим,
Мен ўзимга иши топдим.
Қўшиқ магзин чақишига,
Темир-бетон тиши топдим.
«Ҳа-ҳа-ҳа» жон қайдаде деб
Суюнчига чопдим мен.

Комилжон Ахмадалиев,
Ўрта Чирчик
туманиндағы 3-урта
мактабнинг 6-«А» синф
үкувчisi.

БҮШ КЕЛМА «ҲА-ҲА-ҲА»

Топиди энді бизбон,
Күрги майдон — «Ҳа-Ҳа-Ҳа».
Хурсандмиз барака топ,
Бұлғын омон «Ҳа-Ҳа-Ҳа».
Ростайтасан, «Ҳа-Ҳа-Ҳа»
Күлгі — күнгіл нақшидір.
Тұмтайғандан ҳар ҳолда
Кулиб юрган яхшидір.
Чарчамаған улашиб
Юртга күлгү, қаққаға.
Дөвругинг яна ошисин,
Бүш келма ҳеч
«Ҳа-Ҳа-Ҳа»!

Муножот
Садриддинова,
Шайхонтохур
туманиндағы 362-
мактабнинг
7-«Д» синф үкувчisi.



Суратда ЎзТВ «Болалар» Бош мұхаррииети

«ШАКАР ШИРИНМИ — ШИРИН ШИРИНМИ?»

(ҳазил)
Менинг исимим Шириндір,
Шундан жисимим
шириндір.
Дадажоним ва ойым,
Мақташар мени доим:
— Кимга шакар шириндір,
Кимга асал шириндір,
Биз учун әңг ширини
Хұжаева Шириндір!

Ширин Хұжаева,
Акмал Икромов туманиндағы
228-мактабнинг
4-«В» синф үкувчisi.

КИЧКИНА БҮЛИШ МАЗЗА

(ҳангома)

Танымасанғыз таниб олинг,
бильмасанғыз билиб қойинг.
Мен Хұжаева Иродаман. Ак-
мал Икромов туманиндағы 228-
урта мактабнинг 3-«В» синфи-
да айло баҳоларға үқийман.
Мен тарвуз, қовун пішганида
роппа-ресса 9 ёшта тұламан.

Ишонмаяпсизми? Ишонма-
санғыз ана, синфдошларимдан,
устозидан сұранг.

Кичкина булиш мазза! Мен
мактабға кетаёттанимда мени
күрган катталар: «Вой, асал
қыз, мой бүмбалоқ қыз!» — деб,
«Ўзинг кичкинасан, попканғ
үзингдан катта», дейишиб, пап-
камни мактабғача олиб бориб
беришади.

Кичкина булиш мазза! Мен
трамвайде текинга юраман. У
ерда менга жой буштасиб бери-
шади. Бошқа болалар оеқ кийи-
мини, күйлакларни бир ой
күйиша, мен уч-түрт ой кия-
ман. Мана шу құйлагимни хам
богчага кийганиман. Күряпсиз-
ми. Ҳали ҳам кийиб юрибман.

Кичкина булиш мазза! Син-
фимиздеги угыл болалар мени
соғымдан торғышмайды, ойим-
лар бүйінг үсмай қолади, деб
ишилдірмайдылар. Хоҳласаң
дарсингни қил, хоҳламасаң
қылмагин, үрнингта опачаң
тайерлаб қуяверади, — дейди-
лар.

Кичкина булиш мазза! Тे-
ракдек-терақдек булишнинг ны-
ма кераги бор. «Кичкина де-
манг бизни, күтариб урамиз сиз-
ни», мана шунақа гаплар, бил-
дингизми?! Саломат булинглар!

Ирода ХҰЖАЕВА,
Акмал Икромов
туманиндағы 228-урта
мактабнинг 3-«В» синф
үкувчisi.

«Ойнаи жаҳон» — болаларға

СЕШАНБА 23 июнь

Ўз. ТВ. — 1

9.15. Болалар учун «Бешбар-
моқ»
10.30. Абитуриентлар, сизлар
учун! Адабиёт.
11.00. Инглиз тили.
11.30. Абитуриентлар, сизлар
учун! Математика.
12.30. Кундузги сеанс. «Мут-
лоқ устуңлар билан» бадий
фильм.
13.40. «Суз сөхри».
18.10. «Кичкінгіміз — ги-
жингітіміз».
20.10. «Оқшом эртакларі».

Ўз. ТВ. — 2

18.15. «Ерілтош» мульттүп-
лам.
18.25. «Еввойи ҳайвонот ола-
ми».

Ўз. ТВ. — 4

18.45. «Мульттомоша».
18.55. «Сен ҳақингда ва сен
учун».

ЧОРШАНБА 24 июнь

Ўз. ТВ. — 1

9.20. Болалар учун «Күвноқ-
лар дарвасида».
9.40. «Мен туғилған тупроқ».
10.30. Абитуриентлар, сизлар
учун! Биология.
11.00. «Бола дүнени тебратар».
11.20. «Ердамчилар» мульт-
фильм.
11.30. Абитуриентлар, сизлар
учун! Узбекистон тарихи.
12.05. «Рақс, рақс, рақс».
12.20. «Акс-садо».
12.50. Кундузги сеанс «Фил
иққолдік» бадий фильм.
18.10. Болалар учун «Гулгун-
чалар».
20.10. Оқшом эртакларі.

Ўз. ТВ. — 2

18.15. «Жаҳон ҳалқлари эртакла-
ри»

Ўз. ТВ. — 3

16.35 Болалар учун «Эртакнамо
чоршанба» кинокурсытав.

Ўз. ТВ. — 4

18.50. «Мульттомоша».

ПАЙШАНБА 25 июнь

Ўз. ТВ. — 1

9.05. «Геракл Ағмединг меҳмо-
ни мультфильм.
9.25. «Камолот»
10.35. Абитуриентлар, сизлар
учун! Она тили.
11.00. «Янги алифбони ургана-
миз».
11.30. Абитуриентлар, сизлар
учун! Физика.
18.10. Болалар учун «Орзу».
20.10. Оқшом эртакларі.

Үлкемизда гүзәл ёз фасли! Мактаб үкув-
чилари ҳаётида таътил күнлари. Күпчилик
болалар ёзғы таътил күнларини сұлым ором-
гоҳларда үтказыпты. Оромгоҳ тарбиячи-
лари, раҳбарлари болаларнинг ҳар бир
кунины сермазмұн үтиши учун түрлі тәдбири-
лар үтказынан режалаштиришган.

Ҳа, бу ҳафта оромгоҳда бұлған болалар
масса қилип дам олишиади. Ажайиб саналар,
тарихий воқеалар, машхур кишилар тавал-
луд күнлар мұносабати билан қызықарлы
тәдбиirlар үтказылшлары мүмкін.

Бүгун биз бир ҳафта давомида бұладиган
айрим саналарни өслатыб үтишимиз мүмкін.

Бу үйл Абу Носир Форобийнің туғилғаныға
1125 үйл түләди. Форобий күн қыралы олим
бўлиб, у ўрта аср фани ва тишининг түрли
соҳаларини ўрганган. У түрли соҳалар бўйича
160 дан ортиқ илмий рисолалар ёзган. Фор-
обийнің фалсафа, мантиқ, математика, фи-
зиқа, кимё, тиббиёт, табиат ҳодисалари, ти-
лшүнослик ва бошқа соҳаларга оид асарлари түрли
тилларга таржима қилиниб, дунёга кенг
тарқалган.

Мұхаммад ибн Мусо Хоразмий (ал-Хоразмий)
туғилғаныға 1215 үйл түләди. Сиз «алгебра»,
«алгоритм» сўзларини яхши биласиз. Алгебра
математиканың бир катта бўлими, алго-
ритм эса ҳозирги замон ҳисоблаш математи-
касининг асосий термини. Лекин шу сўзларини
келиб чиқишини багзиларингиз билмасанғыз ке-
рак. Улар Марказий осиёлик машхур матема-
тик, астроном ва географ, «Ҳозирги замон ал-
гебрасининг отаси» ал-Хоразмий номи билан
бөлиқ бўлған. Унинг «Ал-жабр вал-муқубала»
рисоласи, кейинчалик «Ал-жабр» номи билан
аталган. Сўнгра эса Европада «алгебра» деб
аталадиган бўлди. Шу асар туфайли ал-Хораз-
мий номидан дастлаб 12 аср бошларидан «алго-

ритм» термини пайдо бўлған.

Хоразмий асли Хивада туғилған. У араб,
форс, ҳинд ва юнон тилларини мукаммал ўрга-
ниб, шу тилларда илмий асарлар яратган.

Шарқнинг дастлабки академиси «Донолар
уйи» (Байтул-Ҳикма)да фаол иштирок этган.

Хоразмийнинг математикага оид асарлари
гарб ва шарқ тилларига таржима этилиб,
асрлар мобайнида қўлланма бўлиб ҳизмат қили-
ди. Унинг «Ҳинд ҳисоби ва сонлари ҳақида»,
«Ал-жабр» (алгебра), «Арифметика», «Мар-
мар соат ҳақида», «Устуналар ёрдамида ази-
мутни аниқлаша», «Устуналар билан ишлаш
усули», «Ер сурати», «Тарих китоби», «Ал-
Хоразмий зижги», «Ҳаудий эралари ва байрам-
лари» каби асарлари маълум. Хоразмийнинг
астрономияга оид «Зижги» ҳам дастлабки ас-
tronомik асар ҳисобланади.

Шри-Ланка мустақилликка эришганига
(1948) 50 үйл түләди. Шри-Ланка Осиёдаги
давлат. Шу номдаги оролга жойлашган.

Абдулаҳқ Абдулаевнинг туғилғаныға (1918)
80 үйл түләди. В. И. Суриков номли Москва
рассомлик институтида таълим олган, 200
дан ортиқ портрет яратган. Отелло, Фур-
қат, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Навоий, Инди-
ра Ганди каби портретлари ўзбек халқининг
санъат хазинасидан мұносиб ўрш олган. Унинг
асарлари халқаро кўргазмаларда, Третьяков
галереяси, Шарқ санъати музейи, санъат муз-
зейларida сақланмоқда.

Азиз үкувчилар! Бу ҳақда «Тонг ўлдузи» га-
зетаси ва Ўзбекистон телевидениесининг дас-
турлари орқали кўрсатувларда кўришингиз
мүмкін. Энди биз сизларни шу ҳафта давоми-
да болалар учун тайёрланган кўрсатув, ба-
дий фильм, мультфильмлар дастури билан
таниширамиз:

Ўз. ТВ. — 2

18.15. «Эркатор» болалар учун дас-
тур.

18.55. «Катта танафус» телевизион.

20.05. «Табобат оламида»

Ўз. ТВ. — 4

18.50. «Мульттомоша»

ЖУМА 26 июнь

Ўз. ТВ. — 1

9.10. Болалар учун «Фарзанд —
умид ўлдузи».

9.30. «Нонни босган қызыча ҳа-
қида». Мультфильм.

10.30. Абитуриентлар, сизлар
учун! Киме.

11.00. Немис тили.

13.45. «Сиртқи телевизион

олимпиада».

Ўз. ТВ. — 2

18.15. «Бугуннинг боласи».

18.45. «Хайр, мактаб».

22.50. Саргузашт фильмлар эк-
рани «Геракл саргузаштлари».

Ўз. ТВ. — 3

17.00. Болалар учун «Бинафша

Сұхбатдошимизиккі опера ва иккі симфония, күплаб квартет, соната ва романслар, саксонга яқын болалар құшиқлари ва яна күплаб мусиқий асарлар муаллифи.

Үнинг құшиқларини бир марта эшитиб, кейин хиргойи қилиб юрганингизни сезмай қоласиз. Зоро, улар халқ орасыда «Қалдирғоч қанотида келган құшиқлар» деб ном олғаңы бежиз эмас. Қаҳрамонимиз мусиқалари ёқимли оңаңлари, завқли усуллари, чолғу оңаңларининг хилма-хиллігі билан ажралип туради.

Истараси иссік, чеңраси очиқ бұлғаны учунми, уни бир күришдағы әслаб қоласиз. Агар унга ишнеги тушиб қолгудек бұлса, сира унугомайсиз, чунки у одамларга беминнат яхшилдік қилишни еқтиради.

Келинг, қаҳрамонимизни таништирай: болаларнинг севимли бастакори Аваз Мансуров! Авазжон болалар билан ишлашни ниҳоятта яхши күради. Шунинг учунми, уни күпинча болалар құршовида күрасиз.

— Халқымизда «куш уясида күрганини қиласы», деган гап бор, — дея сұхбатта тортаман уни. — Бу гап худди сиз учун айттылғандек. Чунки сиз устоз санъаткор, Үзбекистонда хизмат күрсатған маданият ходими, раҳматли Мақсадули Мансуровнинг тұнгич фарзандисиз. Ижодий йүлінгизни топишиңгизда бу ҳол ўрин туттандыр-а?

— Албатта. Чиндан ҳам «уюмзининг» муҳити санъатта күн-

гил қўйишим учун катта хизмат қылған. Дадам санъаткор, уйимиз ташриф буюрган санъаткорлар билан туларди. Үзимиз ҳам турли томоша ва концертларга тез-тез бориб турардик. Дадамлар «Менинг ўғлим бастакор бұладылар», деб күлоғимга қўйғанлари худди кечагидек ёдимда.

— Одатда, бола бошидан, дейишади. Билишимча, сиз бастакорликни жуда эрта бошли-

НИНГ ТАЪСИРИ БОРМИ?

— Ҳа, улар билан 20 йил аввал таништанман. Уларнинг буюртмаси билан «Кел, баҳт куйин қўйлайлик!», «Қўрқмас капитан», «Оқ капитаннинг парвози», «Кел, югурайлик!» каби күплаб болалар құшиқларини яратғанман. Ҳуллас болаларни севишимда, улар учун ижод қилишни асосий мақсад қилиб олишимда Шерматаканинг хизматлари катта. Шуни айтиб

ноқ оңаңлар Қўқон қизиқчилги ё асқиячилигидан сугорилған бұлса ажаб эмас... Бир вақтлар Мұхиддин Дағышев билан Қўқон халқ театрида бирга роллар үйнаганимизни фарх билан эслайман.

— Миллий анъаналар, мусиқа соҳасидаги халқимизнинг бой мероси ҳам ижодингизга тұғридан-тұғри таъсир этадими? Бу меросга тез-тез мурожаат қилиб турасизми?

ЕТТИ ТОВУШ МҮЖИЗАСИ

гансиз. Үшанды неча ёшда әдин-гиз?

— Мен 9-10 ёшымдан янги күйларни хиргойи қила бошлиғанман. Буларни эшитген домламиз Мамут ака Юсуф угли Чурлу менга мусиқа ёзиши маслағат беріб, йўлга солғанлар.

15 ёшымда «Қизча ва тулки» эртаги асосида фортециа-но учун күй яратиб, уни бириңчи маротаба нота қозозига туширгандым. Эсимда, кичкиналигимда Қўқондаги 18-мактаб ўқытувчиси Адхамжон Мамаюсов үргаттан «Кўйлайман» қўшиғи билан телевизорда чиққандым. Үшандан кейин мени кўрганлар: «Ана, «Мен халқимнинг бахт-иқболин кўйлайман», келяпти», — дейишарди.

— Маълумки, қайнотанғиз, Шермат ака Ёрматов, ажайиб инсон, иқтидорлы бастакор. Айтинг-чи, ижодингизда Шермат ака ижодий фаолиятлари-

кўяйки, хизматларнингизга дилдан баҳо беріб күпроқ миннатдор бұла оладиган, соғ күнгилдан чапак чаладиган томошабинлар асосан болалардир... Сочларимга оқ оралаган бұлса-да, күнглим болаларникідек.

— Қизиқ, баъзан минг-минглаб сўзлардан кераклисни ҳеч тополмай, хуноб бўласан, киши. Сиз бастакорлар, атиги етти товушни бир-бирига улаб, ажайиб кўйлар яратасизлар. Бунда не сир бор?

— Аввало яратғаннинг үзи сабабчи, қолаверса, сеҳрли оңаңларнинг сирли олами — «7» сонининг илоҳийлігидеги гап кўп.

— Басталаган асарларнингиз орасида ҳазил қўшиқлар кўп. Бунинг сабаби нимада? Қўқон қизиқчи ва асқиячилигининг таъсир борми?

— Халқымиз хушчакчақ ҳазил қўшиқларим, мусиқали комедия ё эртакларимдаги кув-

— Албатта. Бастакор халқдан олиб, халққа қайтаради. Ортиқча зўриқишининг ҳожати йўқ... Эзининг жазирама кунидаги олдингизда учраб қолган булоқ суви қанчалик қадрли бўлса, халқимизнинг бой мероси бастакор ижодиёти учун шунчалик мухим... Кичкиналигимда дадамлар мени тез-тез Қўқондаги истироҳат богининг чойхонасида ўтириб, хониш қиласётган ажайиб санъаткор Ра-сул қори Мамадалиевнинг рӯпараларига ўтқазиб, қулоқ солдиргандлари ҳануз ёдимда...

— Илҳомсиз ижод бўлмайди. Илҳомни «қидириб» қолган пайтларнинг бўлгани?

— Илҳомни керак бўлган фурсадта чакира олиш — профессионал ижодкорга хос мухим сифатдир. У эса тинимсиз меҳнат натижиасида шаклланади.

— Ижодиётнинг ҳар бир турда бўлғани каби, бастакорлар

ижодининг ҳам ўзига хос техникаси мавжуд. Уни ривожлантириш учун нима қилиш керак?

— Бунинг учун ижодкор мусиқа меросимиздан, бу санъатнинг барча жанрлари ривожланып, йўналишларидан хабардор бўлиши зарур. Бастакор замон талабини яхши англаб, ўз мусиқий услубини топа олганидагина эл оғзига тушиши мумкин.

— Маълумки, қўшиқ шоир ва бастакорнинг ижодий ҳамкорлигига вужудга келади. Сиз қайси шоирлар билан кўпроқ мулоқотда бўласиз?

— Қушиқ яратилишида күплаб шоирларнинг ижодига мурожаат қилишга тұғри келади. Ажайиб шоирларимиздан Пулат Мумин, Нормурод Нарзуллаев, Абдусаид Кучимов, Қамбар Ота кабилар билан күпроқ мулоқотда бўламан. Марҳум шоир ва журналист Хуршид Қаюмов билан ҳам кўп ижодий ҳамкорлик қўлғанмиз.

— Ёш газетхонларга, бўлаҗак бастакорларга қандай тилякларнинг бор?

— Мустақил Республика миз равнақига ўзларининг муносиб улушларини қушиб келаётгандарга сиҳат-саломатлик, баҳтсаодат тилайман. Мусиқаларимиз уларнинг ҳаётларига шерик бўлиб, кўмаклашаверсин! Бўлаҗак бастакорларга эса, улар энг аввало ватанига, халқига хизмат қилишини йўлашлари лозим эканини эслатиб қўймоқчиман.

Сұхбатдош Мұхсин ФАНИЕВ

Сотволди ЙУЛДОШЕВ

КИЗАЛОҚ

«Сайёра!»денг ялт қарап,
Митти юлдуздек турар.
Сўз қотсангиз кулади,
Савол-жавоб қиласы.
Хўшчоғ, тийрон қизалоқ,
Майин, бийрон қизалоқ.



Икки юзи қўши ширмон,
Сочлар баъзан паришион.
Қошлари майса ниҳол,
Зирақлари ёқут хол.
Мисли қўғирчоқ қизалоқ.
Кўзлар мунчоқ қизалоқ.
Қалпоқчаси айлана
Офтобдан сақлар пана,
Кўйлакчаси бурмали
Туфлиси алвон рангли.
Бичими хуш қизалоқ,
Башанг, одми қизалоқ,

БИЗ СЕВГАН ИЖОДКОРЛАР

Сайёралар заррасин
Ердаги Сайёрасин
Ёши энди бир ярим
Умрин берсин худойим.
Толе ёрқин қизалоқ,
Юрти эркин қизалоқ.
СОВФА

Туғилган куним
Дадам ва ойим
Қилдилар менга
Мусиқий совға.
Ёзув битилган
«Maden in jaran»
Мен токка улаб,
Тугмасин бураб
Уқсам аввало
Келди зўр наво.
Гоҳида сўзлар
Ўзга элатлар.
Кўл урдим яна
Бошқа тугмага
Митти кулчадек
Елим гилдирак
Айланиб бирдак
Мисоли паррак
Турфа куй-оҳанг
Гарата жаранг.
Иккинчи юпқа
Гардиши пастда
Ўрарди аста
Жигарранг тасма.
Тинглайман ҳар он
Чўнг магнитофон,
Миннатдор эдим
Раҳматлар дедим
Дадажонимга,
Ойиженимга.
Аммо одатим
Муқаррар аҳдим
Аввало ўқиши,
Үйдаги юмуш.



МОВУГИМ

Товугим бор нақ қундуз,
Үроқ тумшуқ, мунчоқ кўз,
Тугма қулоқ, ним тож ёй,
Думи гажжак ёқимтой.
Бичими хуш товугим,
Ёқимтойим товугим.
Эрта тонгда шайланар,
Ховли-саҳн айланар.
Курт-қумурсқа, ушоқ-нон



Қидирдими топар кон.
Ишчан асл товугим,
Санитарка товугим.
Мояқ қўйсанг бўйлайди,
Тўлғоги тинч қўймайди.
Қарабсизки ўтмай зум
«Қа, қа, қа...!» олинг тухум.
Хазинадор товугим,
Суронбардор товугим.
Товугимни сийлайман
Ундан донни қиймайман,
Мехрим тафтин сезади
Атрофимда кезади.
Овунчогим товугим,
Жониворим товугим.

ЭНГ ТҮГРИ ИШІ КИМНИКИ?

НОДИРБЕК

— Ошхонамиздаги краннинг жумраги бузилиб қолди. Устани чақирсак, — «Эртага кундузи бораман», — деди. Дадам билан ойимнинг тозаям бошлари қотди. Ахир улар кундузи ишда бўлишиади да. «Нима бўлти, мен уйдаман-ку», дедим. «Йўк, — деб кўнмадилар ойим. Ёлгиз қолган болаларни авраб эшик очдириб, сунг уйни тунаб, болани ўғирлаб кетадиган соҳта усталар кўп ҳозир...» Биламан, ойим бу гапни қўшинимиз Саври холадан эшитгандар. У киши нуқул бозорма-бозор юриб, шунаقا ваҳима гапларни топиб келиб, ойимнинг юрагини қўрқувга соладилар.

Иккалови уйлаб-уйлаб ахийи бир қарорга келишди. «Уста келса, аввал эшикка қўндирилган ойначадан сескин қарагин, — дей тайинлашдилар менга. — Агар баланд бўйли, мўйловли киши бўлса очгин. Бўлмаса миқ этмасдан уйда утиравер». Мен «хўп» дедим.

Эртасига пешинга яқин эшигимиз қўнгириги жиринглади. Мен ойначадан қарадим. Эшик ортидаги кишининг фақат кийими кўринади, холос. «Нима қилсамикин-а? Узидан сўраб қўя қолсан-чи?» Сунг ичкаридан туриб овоз бердим:

— Мўйловингиз борми, амаки?

— Мўйловим, мўйловим илгари бориди. Ҳозир йўк. Нимайди?

— Мен мўйловли устани кутаётвдим да.

Амаки кулиб юборди.

— Э-ха, бундай демайсанми? Уша уста менман. Эшикни оч, жиян. Мен кранни тузатаману, кетаман.

— Ҳо, тагин мени ўғирлаб кетсангиз нима қиласман. Кейин хуллас, «мўйловсиз» амаки биз кутаётган уста эканлигини айтиб, мени роса аврамоқчи бўлди. Мен ҳам анойимасман, эшикни очмадим. У киши бўлса туриб-туриб сунг қайтиб кетди. Ҳозир мен деразадан ташқарига қараб, ойим билан дадамнингишдан келиш-

ларини кутаяпман. Кранимиз жумрагидан эса сув чакиллаб оқаяпти: «Чак-чук, чак-чук, чак-чук...».

НАФИСА

— Байрам куни эди. Дадам кучага отланаётib, менга дедилар: «Сенга шоколад олиб келаман, қизим, хўпми?»

— Э, шоколадни есам, дарров тугаб қолади да.

— Унда узинг айт, нима об-

лаб кетган!

Шу куни митти ўйинчоқларимни Наргизанинг олдига қатор қилиб териб қўйдим да, «Хоҳлаганингни ол» дедим. У «Мен мушукни яхши кўраман», деди ва Бароқвойни олди. Ушандан бери Наргиза билан жуда қалин ўртоқмиз.

АЗИЗБЕК

Бир куни ўртоқларим менга: «Эртага футбол ўйнаймиз,

қиб кетди. Уни ойимнинг каттакон рўмоли билан боғлаб қўйдим.

Кечқурун ишдан келган ойим дарров: «Деразани ким синдири?» дедилар. Сунг боғлоглик оёғимга кўзлари тушиб, «Вой, оёғингта нима қилди, болам?» деб югуриб ёнимга келдилар. Мен ҳовли четидаги тўпга ишора қилдим. Ойим нима воқеа юз берганини дарров фаҳмладилар. «Мени кечиринг,



келай?

— Киндер сюрприз олиб келинг, шоколадини есам ҳам, ўйинчоги тураверади!

Шу куни дадам менга киндер олиб келдилар. Очсан, ичидан чироили мушукча чиқди. Унга Бароқвой деб исм қўйдим. Ушандан буён қай байрам бўлса ёки туғилган куним нишонланса дадам менга «ҳеч тугамайдиган» шириналлик олиб келаверадилар. Хуллас, киндрларим роса кўпайди. Улар хилмажил, ранг-баранг...

Бир куни қўшини ҳовлидаги Наргиза бизнига чиқди. Икковимиз роса бирга ўйнадик. «Вой-вўй» киндрларинг бунчаям кўп, — деди у. — Сен буларни қандай қилиб ўйдинг? Мен индамадим. Агар ростини айтсан борми, Наргиза жудаям хафа бўлади. Чунки, уларни яқинда дадалари таш-

сен дарвазабон бўласан» дейишиди. Қувониб кетдим. Ахир, дарвазабонликни ҳаммагаям ишониб топширишмайди да. Ўйинга ҳали бир кун вақт бор. Унгача узимни синаб кўрайин, дедим. Каттакон тўпни олдим да, узоқдан туриб уни деворга қараб тепдим. Ўйимиз деворига зарб билан урилгач, ортига қайтган тўпни осонликча ушлаб қолдим. «Яшавор, азамат, — дедим уз-узимга. — Қани, яна бир тақрорлайлик-чи!» Эҳ, бу гал тўп деворга эмас, тўппатури дерарага бориб урилса бўладими! Ичкарида — дераза токчасида узини офтобга солиб ётган мош «миёв»лаб юборди. Мен эса тўпни ушлайман деб ютургандим, айвонда ухлаб ётган Олапарга қоқилиб, йиқилдим. Кучук ангиллаб қочди. Латеган оёғим бирим зирқираб оғридики, кўзларимдан ёш чи-

ойижон», дедим йигламсираб. Ойим индамасдан бошимни сираб қўйдилар.

Уша кундан бошлаб ҳар вақт укам Бахтиёрға тайинлайман: «Агар сенга ўртоқларинг дарвазабон бўласан дейишиса, ҳеч қаҷон уйга келиб тўп ўйнамагин, хўпми?». Укам ҳеч нарса тушунмагандек менга ҳайрон бўлиб қарайди. Мен эса ич-ичдан ўйлайман: «Вақти келиб, тушуниб қолар!»

КОМИЛЖОН

Синглимнинг туғилган кунда ҳамма қариндошларимиз меҳмонга келишди. Улар синглимга турли-туман ўйинчоқлар совга қилишди. «Барби» күгирчоги, пахмоқ айиқча, юнглари кумушранг кучукча, узиорар ўрдакча, хуллас ҳамма-ҳаммасидан бор. Кичик холам «Ҳадемай мактабга чиқади» деб унга пластилин, янги дафтарлар, рангли қаламлар олиб келиб

ди. Бу ўйинчоқларни кўриб, очиги мен ҳам севиниб кетдим. Эртасига «Ўйинчоқларингни менгаям бер, бироз ўйнай», дедим. Синглим бўлса кунмади.

— Э, ўук. Буларни менга совга қилишган. Узим ўйнайман!

Буни эштиб турган ойим менга деди:

— Синглинг кичкина, ундан хафа булма. Бу ўйинчоқлар ҳадемай жонига тегади. Ушанда олиб бемалол ўйнайверасан.

Мен эса шу ўйинчоқлардан нари кетолмасдим. Синглимни қандай қилиб қундирсан экан-а? Ниҳоят, бунинг йулини топдим.

Бир куни кечқурун синглимга «Кел, ўйнаймиз» дедим. Синглим бу «галати» ўйнинг қизиқди чоги, тезгина рози булақодди. Икковимиз ҳамма ўйинчоқларимизни бир жойга қатор қилиб териб қўйдик. Мен қоғозчалар қирқиб, ҳар бирга битта ўйинчоқ номини ва биттадан рақамни ёзиб чиқдим. Сунг рақамли томонини юзага қилиб тахладим.

Синглим қоғозчалардан бири ни олди. Унда менинг (сал уриниб қолган) машиначам номи курсатилганди. Уни дарров олиб синглимга узатдим. У қувониб кетди. Яна бир рақамни эса узимга олдим. Ва унда курсатилган ўйинчоқни овоз чиқариб ўқидим: — пластилин!

Синглим қоғозга бирпас тикилб турди (ӯқишни билмайди да!) сунг яп-янги пластилинни олиб менга берди.

Шу тариқа ўйнимизанча вақтгача давом этди. Бу орада мен синглимнинг рангли қаламлари, пахмоқ кучукчасини ва айиқни ҳам «ютиб» олдим.

Бирор ҳафтача синглимнинг ўйинчоқлари менини булди. Мазза қилиб ўйнадим. Яна бир куни синглимга дедим:

— Кечки овқатдан сунг лотерея ўйнаймиз, хўпми?

— Хўп, — деди у.

Бугун синглим ҳамма ўйинчоқларини узи «ютиб» олди. Бу аниқ. Очиги мен шунга қарор қилдим. Ахир бу ўйинчоқлар унинг узиники-ку! Тўгрими?

Уртоқларингизнинг ҳикояларини тингладингиз-а?

Сизнингча, уларнинг қай бири энг түгри иш қилид? Сиз уларнинг ўрнида бўлсангиз, қандай йул тутган бўлардингиз? Шу хақда ёзиб юборинг. Келишиликми?!?

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Оналар ёзади

ЗУФАРИЛЛО

Ёмғир ёғса кун бўйи.
Зуфарилло хўп ҳайрон.
«Ёгаётган нима у?..»
Болажоним кўп бўйон.
— Ёгаётган ёмғир у,
Майсаларнинг жонидир.
Бободеҳон кутгани —
Серобчилик конидир,
Дея сўзлаб ўслимга,

Тушунтирасам мен бўйон,
У бўлса-чи, осмоним,
Нега йиглар? — деб ҳайрон...

Жажжигина полапон,
Чуғурларди беомон.
Худди најсот кутгандек,
Алангларди ҳар томон.
Не бўлдийкин деб шу чоқ,
Полапонга юзландим.
Ё емиши йўқми деб,

Атрофдан дон изладим.
Берган дону-сувимга,

Қарамади полапон.

Шу пайт битта мушукка,
Кўзим тушди ногаён.
Полапонни қўрқувга,
Солган шум мушук экан.
Мени кўриб мушукча,
Йўқолиб қолди бирдан...

Муҳаббат АМАТАЕВА

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТИСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛК ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умидабдуазимова

ТАҲРИР ХАЙЬАТИ:
Муртазо СУЛТОНОВ, Гулнора
Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ИУЛДОШЕВА, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Инқилоб ЮСУПО-
ВА, Даҳаҳон ЁКУБОВ,
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ,
Суннатилла ҚУЗИЕВ, Феруза
ОДИЛОВА.

«ЁШ ИҚТИСОДЧИ»

ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:
Музаффар ПИРМАТОВ,
Асқар ШОКИРОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ,
Махлиё МИРСОАТОВА,
Гулнора МУҲАММАДЖОНОВА.

ИВМ компьютерида терилиди ва

саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-094.
46.496 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30
Навбатчи София
МУҲАММАДЖОНОВА

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-йи.
- Нашр кўрсаткичи: № 64563
- Телефон: 1-33-44-25
- 1-36-57-91
- 1-36-54-21